

Shaxlo Nurullayeva

**«Pedagogik mahorat» kursidan
amaliy mashgʻulotlarni tashkil etish texnologiyasi**

Qarshi-2011

Ushbu o'quv metodik qo'llanma pedagogik yo'nalishdagi oliy o'quv yurtlari o'qituvchi va talabalari uchun mo'ljallangan bo'lib, unda «Pedagogik mahorat» kursidan laboratoriya va seminar mashg'ulotlarini tashkil etish texnologiyasi ishlab chiqilgan.

Mas'ul muharrir:

pedagogika fanlari nomzodi,
dotsent Tal'at G'afforova

Taqrizchilar:

pedagogika fanlari doktori
Abdishukur Choriyev

pedagogika fanlari nomzodi
Nodima Oripova

Kirish

Demokratik fuqarolik jamiyati qurish yo'lidan tobora ildam qadam tashlayotgan mustaqil respublikamizda yuqori malakali kadrlar tayyorlash hozirgi kunda ham dolzarb masalalardan biridir. Respublikamizda taraqqiyot va o'zgarishlarga boy hozirgi paytda yoshlarning har tomonlama kamol topishi davr talabi va ehtiyojidir. Maktablarimiz ma'naviy bašuvvat, bilimli, o'z mustašil Vatanimizdan faxrlanish tuyħusiga boy kishilarni tarbiyalashi kerak. Prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, "... kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha aytganda, xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim va tarbiya olishiga bog'liq". Bu esa pedagog kadrlar tayyorlash tizimi oldida turgan murakkab va keng ko'lamlı muammolardan biridir.

Xalq ta'limi tizimida etakchi vazifani bajaruvchi pedagoglar ijodkor va izlanuvchan bo'lsa, ular o'qitayotgan o'quvchilarning ham bilim darajasi baland, dunyoqarashi keng va ma'naviyati boy bo'ladi. Demak, o'situvchilarimiz bugungi zamon talablariga mos bilimlar sohibi, yangilangan ta'lim mazmunini egallagan bo'lishlari shartdir.

XXI asrda o'qituvchi nafaqat o'quvchilarga bilim beruvchi sifatida, balki tarbiyachi, tashkilotchi, maslahatchi, psixolog sifatida ham faoliyat yurita bilishi lozim. O'qituvchilar pedagogika va psixologiya, tegishli fan sohasiga doir bilimlar hamda ta'lim-tarbiya metodikasi bilan birgalikda o'quvchilarga kommunikativ ta'sir etishni, ular bilan muloqot o'rnata bilishni, pedagogik texnikani, pedagogik takt va taktikani, pedagogik madaniyatni, umumiy qilib aytadigan bo'lsak, pedagogik mahoratni ham egallagan bo'lishlari shart.

Demak, pedagogika oliy o'quv yurtlarida tashkil etilayotgan ta'lim tizimi bo'lajak o'qituvchilarda kasbga doir ko'nikma va malakalarni ham shakllantirishga qaratilishi lozim. Kasbiy malakalarni shakllantirish imkoniyati, ayniqsa, amaliy mashg'ulotlarda kengroq. Chunki, aynan amaliy mashg'ulotlarda talabalar o'zlashtirgan nazariy bilimlarini amalda qo'llab ko'radilar, laboratoriya sharoitida sinovdan o'tkazadilar. Amaliy mashg'ulotlarning zamonaviy texnologiyalar asosida tashkil etilishi bunday imkoniyatlarni yanada kengaytiradi. Shu sababli, bir necha yillik izlanishlarimiz hamda pedagogik tajribalarimiz asosida ushbu "Pedagogik mahorat" kursidan seminar va laboratoriya mashg'ulotlarini tashkil etishga doir uslubiy qo'llanma tayyorlandi. Mazkur qo'llanmaa "Pedagogik mahorat" fan dasturidagi seminar va laboratoriya mashg'ulotlari mavzulari asosida tayyorlangan bo'lib, unda har bir mashg'ulotning texnologik xaritasi hamda mashg'ulotni tashkil etish texnologiyasi batafsil yoritilgan.

Yaratilgan ushbu uslubiy qo'llanma pedagogik faoliyat bilan shug'ullanayotgan oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi tizimidagi barcha o'qituvchilar hamda talabalar uchun muhim manba bo'lib qolishiga umid qilamiz. Zero, Prezidentimiz I.Karimov ta'kidlaganlaridek barchamiz "... farzandlarimizning nafaqat jismoniy va ma'naviy sog'lom o'sishi, balki ularning eng zamonaviy intellektual bilimlarga ega bo'lgan, uyg'un rivojlangan insonlar bo'lib, XXI asr talablariga to'liq javob beradigan barkamol avlod bo'lib voyaga etishi uchun zarur barcha imkoniyat va sharoitlarni yaratishni o'z oldimizga maqsad qilib qo'yganmiz".

✓1-лаборатория машғулоти

Мавзу: Педагогик фикр тарихи ва мактаб амалиётида педагогик техника. Ўқитувчи маҳорати ва маданияти масалалари.

Технологик харита

<i>Машғулот мақсади</i>	Ўқитувчи маҳорати ҳақидаги назарий билимларни такрорлаш; амалий машқлар ёрдамида ўқитувчида маҳоратни ва маданиятни шакллантириш йўлларини ўрганиш.
<i>Машғулотнинг инфор­мацион-услубий таъминоти</i>	Машғулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, "хризионтема" ўйинидан, талабалар нутқини ва амалий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган машқлардан

		фойдаланилади.	
	Машғулотнинг жиҳозлари	Шарқ мутафаккирларининг суратлари ва уларнинг педагогик қарашларидан лавҳалар, ифодали ўқиш учун матн, луғат, табиат тасвирланган суратлар, тарқатма материаллар, кўргазмали материалларни намойиш этиш учун электрон доска.	
	Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар	1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТДПУ-2003	
Машғулотнинг бориши			
	Иш тури	Вақти	Мазмуни
I	Ташкилий қисм	5 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	Назарий билимларни текшириш.	15 минут	Тарқатма материаллардан фойдаланиб ўтказилади.
III	Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини ўрганишга доир машқлар. 1-машқ. “Хризантема” машқи	10 минут	Талабалар 2 гуруҳга бўлиб мусобақа тарзида ўтказилади.
IV	Нутқ маданиятини ривожлантиришга доир машқлар. 2-машқ. Сўзларнинг синонимларини топиш машқи.	8 минут	Талабаларга берилган сўзларнинг синонимларини луғатдан излаш топшириғи берилади.
	3-машқ. Нутқ оҳангги машқи.	6 минут	Талабаларда бир хил гапни турли оҳангларда айтиш орқали маъносини ўзгартириш маҳорати шакллантирилади.
	4-машқ. Нутқ оҳангги машқи	6 минут	Талабаларда бир хил гапни турли оҳангларда айтиш орқали маъносини ўзгартириш маҳорати шакллантирилади
	5-машқ. Суратга қараб ҳикоя тузиш.	10 минут	Талабалар биргаликда ҳикоя тузадилар ва луғат бойликлари ошади ҳамда ижодкорликка ўрганадилар.
V	Микродарс: Болалар жамоаси билан танишув.	15 минут	Жамоа билан ишлаш ва танишувнинг оригинал усулларини излабтопиш топшириғи берилади.
VI	Машғулотни яқунлаш.	5 минут	Талабалар рейтингини эълон қилади. Дарсни хулосалайди ва кейинги машғулот учун мустақил топшириқлар беради.

Машғулот режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Назарий билимларни текшириш.
- III. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини ўрганишга доир машқлар.
- IV. Нутқ маданиятини ривожлантиришга доир машқлар.
- V. Микродарс: Болалар жамоаси билан танишув.
- VI. Машғулотни яқунлаш.

М а ш ғ у л о т н и н г б о р и ш и :

I. Ташкилий қисм.

II. Назарий билимларни текшириш учун саволлар:

(Ҳар бир савол алоҳида қоғозга ёзилиб талабаларга таркатма материал тарзида берилади).

1. Халқ оғзаки ижодидан устозлар ҳақидаги намуналар келтиринг.
2. Шарқ мутафаккирларининг ўқитувчи ҳақидаги қарашлари.
3. Педагогик фаолият ва унинг ҳозирги жамиятда тутган ўрни.
4. Ўқитувчи маҳоратининг таълим тарбиядаги ўрни.
5. Нутқ ва унинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрнини изоҳланг.

III. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини ўрганишга доир машқлар.

1-машқ. «Хризонтема» машқи.

1-босқич: талабалар 5-6 кишидан иборат 2 гуруҳга ажратилади. Ҳар бир гуруҳга биттадан катта қоғоз ва бир нечта маркер берилади. Ҳар бир қоғозга хризонтема гулининг расми чизилган ва ўртасида «педагогик маҳорат» сўзи ёзилган бўлиши лозим. Ўқитувчи талабаларга машқ шартини тушунтиради.

2-босқич: гуруҳ аъзоларидан ҳар бир гулбаргга педагогик маҳоратнинг таркибий қисмларини ёзиш талаб этилади. «Хризонтема» гулининг гулбарглари тез, тўғри ва кўп тўлдириш лозим.

3-босқич: топшириқни бажариш учун 2 дақиқа вақт ажратилади. Вақт ўтгач ҳар бир гуруҳдан бир талаба такдимот ўтказади.

4-босқич: машқ якунида ўқитувчи доскага умумлаштирган ҳолда битта «хризонтема» гулининг гулбарглари тўлдиради ва ғолибларни эълон қилади.

IV. Нутқ маданиятини ривожлантиришга доир машқлар.

2-машқ. Сўзларнинг синонимларини топиш машқи.

1-босқич: ўқитувчи топшириқ шартини, яъни кўрсатиладиган сўзларга кўпроқ синонимлар топишни тушунтиради.

2-босқич: Шундан сўнг куйидаги сўзлар қатори электрон доскада кўрсатилади:

деди, ... (масалан, *айтди, сўзлади, гапирди, тушунтирди ва ҳ.к.*)

берди, ... (масалан, *топширди, узатди, совға қилди, туҳфа этди, ва ҳ.к.*)

қилди, ... (масалан, *бажарди, тайёрлади, ва ҳ.к.*)

устоз, ... (масалан, *мураббий, ўқитувчи, таълим берувчи, ўргатувчи, ва ҳ.к.*)

3-босқич: топшириқни бажариш учун 3 минут вақт берилади. Ўқитувчи ҳар бир сўзни алоҳида таҳлил қилади. Ҳар бир сўз бўйича кўпроқ ва тўғри синоним топган талаба баҳоланади.

3- машқ. Нутқ оҳангги машқи. (2-3 талаба бажаради).

1-босқич: ўқитувчи талабалар эътиборига бир нечта гапни ҳавола этади:

«Барчангиз бу ерга қаранг!»

«Атрофингизга қаранг!»

«Дарсликни очинг!»

«Ўрнингиздан туринг!»

Талабалардан бу гапларни турли оҳангларда айтиш талаб этилади.

2-босқич: талабчан оҳангда;

3-босқич: сокин оҳангда;

4-босқич: жаҳл билан;

5-босқич: ҳаракатга ундаш оҳанггида;

6-босқич: ҳайрат билан.

Машқ давомида талабаларнинг товушларини нутқ мазмунига мос ҳолда ўзгартира олишларига ҳамда нутқларининг таъсирли, образли ва табиий чиқишига қараб баҳоланади.

4- машқ. Нутқ оҳангги машқи. (2-3 талаба бажаради).

1-босқич: ўқитувчи талабалар эътиборига бир нечта гапни ҳавола этади:

«Синфимиз мусобоқада 1-ўринни эгаллади»

«Ўзлаштириш бўйича сиз 1-ўриндасиз»

«Машқни сиз аъло даражада уддаладингиз»

Талабалардан бу гапларни турли оҳангларда айтиш талаб этилади.

2-босқич: хурсандчилик билан

3-босқич: куруқ оҳангда

4-босқич: юмшоқ оҳангда

5-босқич: дўстона оҳангда

6-босқич: қувноқлик билан айтинг.

5- машқ. Суратга қараб ҳикоя тузиш.

«Кунлардан бир куни...» деб ҳикоя бошлайди ўқитувчи. Талабалардан бири суратга қараб ҳикояни давом эттириб битта гап тузади. Иккинчи талаба яна бир гап тузади. Учинчи талаба давом этади ва ҳ.к.

Бу машқни бажаришда талабаларнинг сўз бойлиги ва ҳар бир сўзни ўринли фойдалани олишига, ижодкорлигига баҳо берилади.

V. Микродарс: Болалар жамоаси билан танишув.

Синфга киришда табиийлик ва мақсадга мувофиқ ҳаракатга эътибор қаратиш ва «Ҳурматли ўқувчилар, мен ...» тарзида мулоқот ўрнатиш.

3-4 талаба ўқувчилар билан танишишнинг энг қулай услубларини намойиш этадилар. Ўқувчиларда ўқитувчидан фахрланиш, айнан шу ўқитувчининг дарс беришини хошлаш туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳар бир машқ талабалар билан биргаликда назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинади.

VI. Машғулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзунини хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

✓2-машғулот. Ўқитувчининг педагогик меҳнати маданияти

Технологик харита

Машғулот мақсади	Талабаларда ўқитувчи маданиятини шакллантириш; стандарт ва ностандарт вазиятларда ўқитувчи - ўқувчи муносабатларини ташкил эта олиш кўникмасини шакллантириш; ўқитувчининг муносабатлари, кайфиятлари ва реакцияларини хатти-ҳаракатлар (мимика ва понтомимика) билан ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш.	
Машғулотнинг инфор­мацион-услубий таъминоти	Машғулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, ролли ўйинлардан ва педагогик фаолиятни ташкил этишга доир амалий кўникмаларини шакллантиришга қаратилган машқлардан фойдаланилади.	
Машғулотнинг жиҳозлари	Электрон доска, инсоннинг турли мимик реакциялари ифодаланган суратлари, изоҳли луғат.	
Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар	Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.	
Машғулотнинг бориши		
Иш тури	Вақти	Мазмуни

I	<i>Ташкилий қисм</i>	5 минут	Саломлашиш, даволатни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	Назарий билимларни текшириш.	15 минут	1. Венн диаграммасидан фойдаланиб ўтказилади.
		5 минут	2. Луғат иши (луғатлардан фойдаланилади).
III	Ўқитувчи маданиятини шакллантиришга доир машқлар	5 минут	Суратларга қараб юз ифодаларини ўрганиш.
	1-машқ. Ўқувчи эмоционал ҳолатини аниқлаш		
	2-машқ. Айрим ташқи таъсирларга мимик реакциялар		
	3-машқ. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини ташкил этишга доир машқ.	8 минут	Талабалардан бири топшириқларни ўқиб туради, иккинчи талаба эса юз ифодаларини ўзгартиради. Бошқа талабалар ўқитувчи юз ифодасини таҳлил қиладилар.
IV	Ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини ташкил этишга доир машқлар.	6 минут	Талабаларга педагогик масала берилади. улар муаммони ҳал этадилар.
	4-машқ. Педагогик масала.		
	5-машқ. Ўқитувчининг ўқувчиларга таъсирини ўрганиш машқи.	8 минут	Талабаларга топшириқлар ёзилган карточкалар тарқатилади. Талабалар топшириқни бажарадилар. Бошқа талабалар уларнинг юз ифодаларини ўқийдилар ва ўқувчиларга таъсирини таҳлил қиладилар.
V	Микродарс: Дарсни бошлаш ва ташкилий қисмни ўтказиш.	15 минут	Талабаларнинг бир нечтаси 3-4 минут давомида дарснинг ташкилий қисминини ўтказадилар. Уларнинг фаолиятини бошқа талабалар берилган мезонлар асосида баҳолайдилар.
VI	Машғулоти яқунлаш.	5 минут	Талабалар рейтингини эълон қилади. Дарсни хулосалайди ва кейинги машғулоти учун мустақил топшириқлар беради.

Машғулоти режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Назарий билимларни текшириш.
- III. Ўқитувчи маданиятини шакллантиришга доир машқлар.
- IV. Ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини ташкил этишга доир машқлар.
- V. Микродарс: Дарсни бошлаш ва ташкилий қисмни ўтказиш.
- VI. Машғулоти яқунлаш

Машғулотининг бориши:


- I. *Ташкилий қисм.*

II. Назарий билимларни текшириш учун саволлар:

1. «Умуминсоний маданият» ва «Ўқитувчи маданияти» тушунчалари ўртасидаги фарқ ва боғлиқликларни аниқлаш. Венн диаграммасидан фойдаланган ҳолда ўтказилади.

1-босқич: Бунинг учун талабалар 2 гуруҳга ажратилади. 1-гуруҳ талабаларига «умуминсоний маданият» тушунчасига тааллуқли, 2-гуруҳ талабаларига «Ўқитувчи маданияти» тушунчасига тааллуқли хусусиятларни ёзиш талаб этилади. Талабалар якка ҳолда ишлайдилар.


Умуминсоний маданият



Ўқитувчи маданияти



2-босқич: 1-гуруҳдаги талабалар 2-гуруҳ талабалар билан жуфтликларга бирлашадилар. Фикр-мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда кесишадиган иккита доирачани тўлдирадилар. Бунда доирачаларнинг кесишган қисмига умумий хусусиятлар, кесишмайдиган қисмига ўзига хос хусусиятлар ёзилади.



3-босқич: жуфтликлардаги талабалардан бири топшириқ тақдимотини ўтказади. «Венн диаграммаси»ни тўғри ва кўп сўзлар билан тўлдирган талабалар рағбатлантирилади ва баҳоланади.

2. **Луғат иши.** «Мимика», «пантомимика» сўзларининг луғавий маъносини аниқлаш устида иш олиб борилади. Бунинг учун маълумотномалар, луғат ёки изоҳли луғатдан фойдаланиш мумкин.

III. Ўқитувчи маданиятини шакллантиришга доир машқлар:

1- машқ. Ўқувчи эмоционал ҳолатини аниқлаш.

Талабаларга юзида турли эмоционал ҳолатлар (ўз ишидан мамнунлик, хайрат, омадсизлик, ғазаб, шодлик, ғолиблик, тушкунлик, лоқайдлик) ифодаланган инсонлар суратлари кўрсатилади. Талабалар инсонларнинг кайфиятларини аниқлашлари ва асослаб беришлари лозим. Яъни, қайси эмоционал ҳолатни ифодалашда қайси мимик мушаклар иштирок этиши, кўз қарашлари қандай бўлиши асослаб берилади.

2- машқ. Айрим ташқи таъсирларга мимик реакциялар.

1-босқич: бу машқни бажариш давомида талабаларга вазифалар ёзилган карточкалар тарқатилади. Талабалар қоғоздаги вазифаларни ўқийдилар ва «ўқитувчи» ролини бажарган ҳолда топшириқни бажарадилар. «Ўқитувчи»ларнинг билдирган ташқи таъсирларга реакцияларини ҳамда ҳаракатларини ўқитувчи маданиятига мослиги «ўқувчи» ролидаги талабалар томонидан баҳоланади.

2-босқич: талабалар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

1-карточка. Сиз ёзаяпсиз. Тўсатдан эшик очилди. Сиз бошингизни кўтарасиз, ҳалақит берувчига қарайсиз ва «Нимадир бўлдими?» деб сўрайсиз.

а) ҳайрат билан;

б) ғазаб билан.

2-карточка. Сиз ёзаяпсиз. Тўсатдан эшик очилди. Сиз бошингизни кўтарасиз ва ҳалақит берувчига қарайсиз ва «Ва ниҳоят!» дейсиз:

а) муносабатингиз совуқ;

б) дўстона муносабатда.

3-карточка. Ўқувчи олдингизга келиб «мен топшириқни бажармадим» деди. Сизнинг муносабатингиз:

а) «ҳамдардман»;

б) ғазабланингиз.

4-карточка. Ўқувчи олдингизга келиб «мен топшириқни бажармадим» деди. Сизнинг муносабатингиз:

а) «ҳайрон бўлмадим»;

б) «бўлиши мумкин эмас».

IV. Ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини таъкил этишга доир машқлар.

3-машқ. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини таъкил этишга доир машқ.

Бу машқни икки киши бажаради: 1-талаба «ўқитувчи» вазифасини бажаради, 2-талаба топшириқни ўқиб туради. «Ўқитувчи» талаба топшириқ талабига биноан юз ифодасини ўзгартиради ва ўқувчиларга таъсир ўтказишга ҳаракат қилади.

1-топшириқ: сиз доскага ёзаяпсиз. Ўқувчилар сиз билан баравар дафтарга ёзишлари лозим. Тўсатдан шовқин кўтарилди. Сиз ўгириласиз ва муносабатингиз:

А) «Нима бўлди?»;

Б) «Ким яна ҳунар кўрсатапти?»;

В) «Бас қилинг! Ёзишни давом этамиз!»;

Г) «Тинчланишингизни кутяпман»;

Д) «Секин! Ҳамма иш қилаётганда шовқин қилиш мумкин эмас».

2-топшириқ: Ўқувчи доска олдида. Топшириқни бажарди. Сизнинг муносабатингиз:

А) сокинсиз - «ҳаммаси тўғри»;

Б) ҳурсандсиз - «яша!»;

В) муҳокама қиласиз - «ҳаммаси тўғри эканлигига ишончинг комилми?»;

Г) ҳафа бўласиз - «бутунлай хато»;

Д) қаттиқ оғохлантирасиз – «яна нотўғри»;

Е) кутилмаган ютуқ - «ажойиб!».

4-машқ. Педагогик масала.

1-вазият. Ўқитувчи дарс якунида ўқувчиларнинг баҳоларини эълон қилди. Ўқувчиларнинг 3 нафари «аъло», 4 нафари «яхши» ва 2 нафари «қоникарли» баҳоланди. Шунда «қоникарли» баҳоланган Алибекнинг кайфияти тушиб кетди. Чунки у доимо «аъло» баҳолар билан ўқир эди. Аксинча, доим «қоникарли» баҳо билан ўқиган Нодирбекнинг «аъло» баҳо олгани учун кайфияти жуда юқори. Шунда ўқитувчи

Алибекнинг ёнидаги ўртоғига « Нодирбекнинг онаси ҳам ўқитувчи бўлганлиги учун устоз унга «аъло» баҳо қўйдилар» деган гапини эшитиб қолди.

Топшириқ: а) вазиятни баҳоланг; б) ўқитувчи қандай йўл тутиши кераклигини айтинг; в) ўқитувчи қаерда хатога йўл қўйган? г) жамоадаги муҳит ўзаро муносабатларни қандай баҳолайсиз?

5- машқ. Ўқитувчининг ўқувчиларга таъсирини ўрганиш машқи.

Бу машқда топшириқ мазмуни аудиторияга нотаниш бўлса ишлаш осон бўлади. Ўқитувчи топшириқларни карточкаларга ёзиб тарқатади ва тайёрланиш учун вақт беради. Талабалар навбат билан топшириқларни бажарадилар. Бошқалар мимикани ўқийдилар.

1-топшириқ. Синфга кирдингиз. Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигидан хурсандсиз.

2-топшириқ. Синфга кирдингиз. Синф тартибсиз. Сиз хайратдасиз.

3-топшириқ. Синфга кирдингиз. Ўқувчилар берилган топшириқни яхши бажарганлар. Сиз уларга шундай дейсиз...

4-топшириқ. Синфга кирдингиз. Ўқувчилар жуда ёмон иш қилганларидан хабардорсиз.

5-топшириқ. Сиз қатор оралаб юриб ўқувчилар қандай ишлаётганларини кузатаяпсиз. Улар яхши ишляпти.

6-топшириқ. Қатор оралаб юрипсиз. Мақсадингиз ўқувчилар қандай ишлаётганини назорат қилиш.

7-топшириқ. Қатор оралаб юрипсиз. Ўқувчилардан бири бошқа кунга қараганда яхши ишляпти. Ўзи сезган ҳолда таъкидлаб ўтинг.

8-топшириқ. Қатор оралаб юрипсиз. Ўқувчилар қийналяпти. Сиз безовтасиз. Ҳаммада шундай қийинчилик мавжуд, хайрат билан қарайсиз.

V. Микродарс: Дарсни бошлаш ва ташкилий қисмни ўтказиш.

Талабаларнинг 3-4 нафари мутахассислик бўйича бирор бир фан бўйича дарснинг ташкилий қисмини ўтказадилар. Бошқа талабалар ўқувчилар вазифасида иштирок этадилар. Дарсни бошлаш ва ташкилий қисмни ўтказиш учун 3-4 минут вақт ажратилади. Тингловчи талабалар ва ўқитувчи эксперт сифатида бажарувчи талабаларнинг фаолиятларини баҳолайдилар ва қуйидаги мезонлар инобатга олинади:

- синфга кириш ва саломлашишнинг тўғри бажарилганлиги;
- ўқувчилар диққатини жалб эта олиш;
- синф хонасининг дарсга тайёргарлиги;
- ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик даражалари;
- сўров вақтида барча ўқувчиларнинг диққатини жалб эта олиш;
- ташкилий қисмни ўтказишда сўровнинг об-ҳаво ва сана билан боғлиқлиги.

VI. Машгулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзуни хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машгулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

✓3-машгулот. Педагогик техника ва ўқитувчининг маҳорати

Технологик харита

Машгулот мақсади	Талабаларда педагогик техника, жумладан нутқ техникаси элементларини шакллантириш.
Машгулотнинг информацион-услубий таъминоти	Машгулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, ролли ўйинлардан ва, нутқ техникасини шакллантиришга қаратилган машқлардан фойдаланилади.
Машгулотнинг жиҳозлари	Электрон доска, нафас апарати, тўғри нафас олиш тасвирланган суратлар, иллюстрация, шам, унли

		товушлар ёзилган қоғоз.	
	<i>Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар</i>	1. Муҳиддинов А.Г. Ўқув жараёнида нутқ фаолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1995. 2. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001. 3. Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти: талабалар учун дарслик. Т: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кўтубхонаси нашриёти. 2007.	
Маишулотнинг бориши			
	Иш тури	Вақти	Мазмуни
I	Ташкилий қисм	5 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	Назарий билимларни текшириш.	15 минут	Савол-жавоб усулидан фойдаланиб ўтказилади.
III	Фонацион нафасни ривожлантиришга доир машқлар. 1-машқ. “Денгиз бўйида” машқи.	5 минут	Талабалар денгиз бўйида дам олаётган тасаввур қилиб, мусика жўрлигида нафас олиш машқини бажарадилар.
	2-машқ. “Гулзорда” машқи.	5 минут	Талабалар гул ҳидлагандек чуқур нафас олишни машқ қиладилар.
	3-машқ. «Шам» машқи.	5 минут	Талабалар қўлларида ёқилган шамни ушлаган ҳолда нафас олиш ва нафас чиқаришни машқ қиладилар.
IV	Товушни ривожлантиришга доир машқлар. 4-машқ. “Тақлид” машқи.	7 минут	Талабалар турли табиат ҳодисалари, ҳашоратлар ва буюмларнинг овозларига тақлид қиладилар.
	5-машқ. “Коптокча” машқи.	3 минут	Талабалар коптокчанинг товушига тақлид қилиб фонацион нафасни ривожлантиришни ўрганадилар.
	6-машқ. “Луғат диктант”.	10 минут	Ўқитувчи тайёрлаган материал асосида талабаларнинг 2 нафари луғат диктант ёздирадилар. Топшириқни бажаришда уларнинг диктант ёздириш техникаси таҳлил қилинади.
	7-машқ. “Қўшиқ” машқи.	5 минут	Мусика жўрлигида қўшиқ матни ўрнига унли товушларни “қуйлайдилар”. Бунда товушдан тоўғри фойдаланиш техникаси ўрганилади.
	8-машқ. “Буёқчи” машқи.	5 минут	Талабалар қўлларида девор бўйидигандек ҳаракатлантириб, қўл ҳаракатига мос ҳолда товушларни ўзгартирадилар.
V	Ташкилотчилик техникасига доир педагогик масалалар ечиш.	10 минут	Талабаларнинг бир нечтаси 3-4 минут давомида тозалик кунини ташкил этиш режасини ишлаб чиқадиладар. Қолган

			талабалар берилган мезонлар асосида улар фаолиятини баҳолайдилар.
VI	Машғулоти яқунлаш.	5 минут	Талабалар рейтингини эълон қилади. Дарсни хулосалайди ва кейинги машғулоти учун муваққил топшириқлар беради.

Машғулоти режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Назарий билимларни текшириш.
- III. Фонацион нафасни ривожлантиришга доир машқлар.
- IV. Товушни ривожлантиришга доир машқлар.
- V. Ташкилотчилик техникасига доир педагогик масалалар ечиш.
- VI. Машғулоти яқунлаш.

М а ш ғ у л о т н и н г б о р и ш и :

I. Ташкилий қисм.

II. Назарий билимларни текшириш учун саволлар:

1. Педагогик техника ва унинг педагогик маҳоратни ривожлантиришдаги ўрни.
2. Ўқитувчи фаолиятида нутқ техникаси ва унинг роли.
3. Фонацион нафас. Унинг физиологик нафасдан фарқи. Нафас типлари.
4. Педагогик товушнинг муҳим жиҳатлари. Педагог товушининг бузилиш сабаблари. Ўқитувчи товушидаги касб касаллиги ривожланишининг олдини олиш.

III. Фонацион нафасни ривожлантиришга доир машқлар.

1-машқ. «Денгиз бўйида».

Ўқитувчи талабаларга айтиб туриб улар билан биргаликда машқни бажаради. Машқ самарали ўтиши учун ўқитувчи бир маромда гапириб туриши лозим ва бирор бир мусиқа жўрлигида ҳам машқни бажариш мумкин.

«Елкаларни бўш қўямиз ва секингина, бир текис бурнимиздан нафас оламиз. Олинадиган нафас аввал ўпканинг энг қуйи қисмлари тўлишига, сўнг эса юқори қисмлари тўлишига аҳамият бериш керак. Елка ҳаракатсиз қолади. Аммо қорин мускуллари ва қовурғалараро мускуллар фаол ишлатилади».

2-машқ. «Гулзорда».

Бу машқ ҳам мусиқа жўрлигида ва ўқитувчининг тушунтириши бўйича амалга оширилади.

«Тик ҳолда турамыз. Чап қўлимизни назорат учун қоринга, ўнг қўлни қовурғага қўямиз: «пуфффф» деб нафас чиқарамиз. Бунда қорин мускуллари қисқаради. Кейин худди гул хидлагандек тасаввур қилиб нафас оламиз. Бунда қорин олдинга чиқади, қовурға кенгаяди. Нафас олишни қориннинг кескин ҳаракати билан тўхтатилади, қориннинг пастки қисми қисқаради. Бундан сўнг секин ва бир текис нафас олиб қорин ва қовурғани кенгайтирамыз. Қисқа нафас оласиз ва чўзиқ нафас чиқариз. (2-3 марта).

3-машқ. «Шам».

Ўқитувчи ва талабалар барчаси қўлида пилиги ёқилган шамни юзидан 25-30 см узоқликда ушлаб туришади ва ўқитувчи тушунтириб туриши бўйича машқ амалга оширилади.

«Шамни бир текис ушлаб туриб унга қараб узоқ вақт пуфлаймиз. Агарда олов биздан бир текисда узоқлашиб турса, демак биз бир текис нафас чиқараяпмиз».

Бу машқ нафас чиқаришининг бир текис ва узлуксиз бўлишини таъминлайди. Агар нафас бир текис ва узлуксиз бўлса олов бир хилда қийшайган ҳолда туради. Агар нафас нотекис чиқарилса, шам пилиги ҳам нотекис ҳаракат қилади.

IV. Товушни ривожлантиришга доир машқлар.

4-машқ. «Таклид».

Фонацион нафасни ривожлантириш учун нафас чиқаришнинг турли кўринишлари: сокин, тинч, кучли, танаффуслар билан машқ қилдирилади.

Нафас чиқаришнинг турли кўринишларини машқ қилдириши учун табиатдаги ва ҳаётдаги турли товушларга таклид қилинади. Ўқитувчи талабаларга турли табиат ходисалари, ҳашоратлар ва буюмларнинг суратларини кўрсатиб туради. Талабалар эса уларнинг товушларига таклид қиладилар.

Масалан: шабада- сссс..., дархтлар тебраниши- шшшш..., пашша -зъзъзъ..., ари - жжжж..., қарға-қағ қағ..., трактор-тррр..., звонок-жирингг... ва ҳоказо.

Диафрагма ҳаракатига эътибор берилади.

5-машқ. «Коптокча».

Ўқитувчи талабалар билан бирга қўлларини кўкрак баландлигида тутиб, хаёлан коптокча ушлаб тургандек тасаввур қиладилар. «Коптокча» ёрилган. Уни секин-аста кафтда қисиб ва товушини ўхшатишга ҳаракат қилинади: сссс... . Бунда нафаснинг жуда секин ва бир текис чиқишига эътибор берилади.

6-машқ. «Луғат диктант». (диктант учун материал қўшиш керак)

Ўқитувчи талабаларнинг бир нечасига 5-10 сўздан иборат луғат диктант ёздириб учун материал тарқатади. Талабалар навбат билан «ўқувчи» ролидаги талабаларга уни айтиб туриб ёздирядилар. Сўзларни айтишда ўқувчиларнинг ёзишига, сўзларни тўғри талаффуз қилинишига, нафасни тўғри тақсимлашга эътибор берилади.

Машқ натижасини таҳлил қилишда сўзлар темпига, нафасни тўғри олишга, ўқувчилар билан тўғри мулоқот ўрнатилишига эътибор берилади.

7-машқ. «Қўшиқ».

1-босқич: Бу машқ оғир мусиқа жўрлигида бажарилади. Ўқитувчи талабаларга унли ҳарфларни кўрсатиб туради. Барча талабалар куйга мос ҳолда жўр бўлиб уларни ижро этадилар:

А-а-а-а-а-а-а... О-о-о-о-о-о-о... И-и-и-и-и-и-и... у-у-у-у-у-у-у...

Ў-ў-ў-ў-ў-ў-ў... э-э-э-э-э-э-э... ё-ё-ё-ё-ё-ё... ю-ю-ю-ю-ю-ю...

я-я-я-я-я-я... ва ҳ.к.

2-босқич: машқ бир нечта талаба билан якка ҳолда бажарилади.

8-машқ. «Бўёқчи».

Ўқитувчи талабаларга машқдаги топшириқни айтиб туради талабалар бажарадилар: «Тасаввур қилинг деворни бўяяпмиз. Қўлимизни вертикал ҳаракат қилдирамиз. Қўллар ҳаракатига мос ҳолда нафас чиқарамиз. Қўл қанча кўтарилса товуш шунча баландлайди. Қўл пастга тушса секинлаймиз. Бир неча марта такрорлагач кейинги сафар қўл ҳаракатини елка аралаш бажарамиз ва шунга кўра товуш баланд пастлигини ўзгартирамиз».

Бу машқни ҳам аввал барча талабалар бирга бажарсалар, кейин бир нечта талаба якка ҳолда бажаради.

V. Ташкилотчилик техникасига доир педагогик масалалар ечиш.

«Тозалик куни»

Синф хонаси. Бугун - тозалик куни. Талабалар ўқувчилар ролини бажарадилар. Уларнинг ёшини сиз белгилайсиз. Ўқувчиларни ишга қизиқтира олиш, ўқувчиларга ишни тақсимлай билиш, ишни ташкил эта олиш, меҳнат жараёнида ўз-ўзини бошқаришга ўргата олиш, ўйин ҳаракатларидан фойдаланиш, нутқдан тўғри фойдаланиш кабилар таҳлил қилинади.

VI. Машғулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзуни хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

✓**4-машғулот. Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълимида дарс тизими**

<i>Машгулот мақсади</i>	Талабаларни таълим жараёнини ижодий ташкил этишга ўргатиш; таълим жараёнида диққатни тўғри тақсимлай олиш, ўқувчилар фаолиятини назорат қила олиш кўникмасини шакллантириш.		
<i>Машгулотнинг информацион-услубий таъминоти</i>	Машгулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, ролли ўйинлардан ва дарсни тўғри ташкил этишга қаратилган машқлардан фойдаланилади.		
<i>Машгулотнинг жиҳозлари</i>	Электрон доска, суратлар (бир неча буюм ва тасвирлар акс этган), ўқувчиларнинг турли хилдаги диққат мимикалари (ташқи ва ички диққат) акс этган фотолари, 6-7 та мактаб қуроллари, талабаларга нотаниш бўлган шеър, 6-7 та тарқатма материаллар.		
<i>Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар</i>	1. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001. 2. Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. –Т. ЎзМУ қошидаги ОПИ.- 2003.		
Машгулотнинг бориши			
	<i>Иш тури</i>	<i>Вақти</i>	<i>Мазмуни</i>
I	<i>Ташкилий қисм</i>	5 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	Назарий билимларни текшириш.	10 минут	Савол-жавоб усулидан фойдаланиб ўтказилади.
III	Талабаларда профессионал-педагогик диққатнинг хусусиятларини шакллантиришга доир машқлар. 1-машқ. Диққат ва хотира машқи.	5 минут	Суратда кўрсатилган буюмларни хотирада сақлаб қолиш орқали ўтказилади.
	2-машқ. “Суратда диққат” машқи.	5 минут	Суратдаги болалар юз ифодаларини ўрганиш орқали диққат турлари аниқланади.
IV	Ўқитувчи кузатувчанлигини оширишга доир машқлар. 3-машқ. Талабаларни кузатиш машқи.	7 минут	Талабаларни кузатиш орқали улар психологик ҳолатига баҳо бериш.
	4-машқ. Аудиторияни кузатиш машқи.	7 минут	Аудиторияни кузатиш ва муҳитни ўрганиш машқ қилинади.
	5-машқ. «Кўриш–диққат-хотира» машқи.	5 минут	Диққат билан кузатиш ва олинган маълумотларни хотирада сақлаш машқ қилинади
	6-машқ. “Эшитиш-диққат-хотира” машқи.	6 минут	Диққат билан эшитиш ва маълумотларни тўғри таҳлил қилишни ўрганадилар.
V	Таълим жараёнида диққатни тўғри тақсимлашга доир машқлар.	10 минут	Талабаларга диққатни тақсимлай олиш кўникмаси шакллантирилади.

	7-машқ. “Нотиқ” машқи.		
VI	Микродарс: ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш.	15 минут	Сўров вақтида вақтдан унумли фойдаланиш ва диққатни тўғри тақсимлашга ўрганадилар.
VII	Машғулоти яқунлаш.	5 минут	Талабалар рейтингини эълон қилади. Дарсни хулосалайди ва кейинги машғулоти учун мустақил топшириқлар беради.

Машғулоти режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Назарий билимларни текшириш.
- III. Талабаларда профессионал-педагогик диққатнинг хусусиятларини шакллантиришга доир машқлар.
- IV. Ўқитувчи кузатувчанлигини оширишга доир машқлар.
- V. Таълим жараёнида диққатни тўғри тақсимлашга доир машқлар.
- VI. Микродарс: ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириш.
- VII. Машғулоти яқунлаш.

М а ш ғ у л о т н и н г б о р и ш и :

- I. Ташкилий қисм.**
- II. Назарий билимларни текшириш учун саволлар:**
 - 1) Дарс ва унга қўйиладиган талаблар.
 - 2) Диққат шахс фаоллигининг белгиси сифатида:
 - а) диққатни аниқлаш;
 - б) диққат ва объект белгиси;
 - в) диққат турлари;
 - г) диққатнинг муҳим белгилари.
- III. Талабаларда профессионал-педагогик диққатнинг хусусиятларини шакллантиришга доир машқлар**

1-машқ. Дарсда диққат ва хотирани ривожлантириш машқи. (2 талаба бажаради).

1-босқич: ўқитувчи бир нечта сериядан иборат суратларни талабаларга кўрсатади (2 минут давомида). Талабларга ҳар бир суратни диққат билан кузатиш айтилади

2-босқич: суратлар олиб қўйилади ва қуйидаги саволларга жавоб бериш талаб этилади:

- 1) Суратлар нечтадан иборат эди?
- 2) Суратда нечта предмет акс этган эди? Улар нималар?
- 3) Суратдагилар нима иш билан машғул?
- 4) Суратдагиларнинг юз ифодасини изоҳланг.

3-босқич: ўқитувчи талабаларнинг жавобларини тинглайди ва талабалар билан биргаликда таҳлил қилади. Уларнинг жавобларига кўра диққатлари қай даражада шаклланганлигини аниқлайди

2-машқ. «Суратда диққат» машқи. (2-3 талаба бажаради).

Ўқитувчи турли юз ифодали болалар суратларини кўрсатади. Талабалар суратни ўрганиб, уларнинг юз ифодаларида диққатнинг қайси тури ифодаланганини аниқлашлари лозим. (Диққат турлари: ташқи – кўриш ёки эшитиш орқали бўладиган диққат ҳамда ички диққат).

IV. Ўқитувчи кузатувчанлигини оширишга доир машқлар.

3-машқ. Талабаларни кузатиш машқи. (1 талаба бажаради).

1-босқич: талаба доска олдида туриб ихтиёрий бирор мавзуда маъруза қилади ва талабаларни кузатади (2-3 минут).

2-босқич: «марузачи» талаба аудиторияга орқа ўгирган ҳолда куйидаги саволларга жавоб беради:

а) талабалардан қайси бири диққат билан ўтирибди?

б) қайси бири эътиборсиз? Қандай аниқладингиз? Сабабини кўрсатинг.

4-машқ. Аудиторияни кузатиш машқи. (1 талаба бажаради).

1-босқич: талаба ихтиёрий мавзуда маъруза қилади ва аудиторияни кузатади (2-3 минут).

2-босқич: «маърузачи» талаба аудиторияга тескари ўгирилган ҳолда куйидаги саволга жавоб беради:

а) талабалар қандай кетма-кетликда ўтиришипти?

3-босқич: кузатувчи талабага сездирмасдан аудиториядаги бир нечта предметлар ва талабаларнинг ўрни алмаштирилади.

4-босқич: энди талаба синфга ўгирилиб ниманинг ва кимнинг ўрни ўзгарганини аниқлаши сўралади.

5-машқ. «Кўриш диққат хотира» машқи. (2 талаба бажаради).

1-босқич: ўқитувчи талабаларни навбат билан стол олдида таклиф қилади ва 2-3 секунд давомида стол устидаги терилган мактаб ўқув қуролларини кузатишни сўрайди.

2-босқич: ўқитувчи стол устидаги буюмлар устини ёпиб стол устида нималар мавжудлиги, уларнинг ранги ва тузилиши қандай эканлигини айтишни сўрайди.

6-машқ. «Эшитиш диққат хотира» машқи.

Талабалардан 3 нафари навбат билан доска олдида талабаларга тескари ўгирилган ҳолда турадилар. Бошқа талабалар эса жуда паст товушда гапирадилар, бирор бир буюм орқали товуш чиқарадилар. Доска олдидаги талабадан эса товушнинг эгасини аниқлаш сўралади.

V. Таълим жараёнида диққатни тўғри тақсимлашга доир машқлар.

7-машқ. «Нотик» машқи. (1 талаба бажаради).

1-босқич: «нотик» ролидаги талабага нотаниш шеърни ўқиш топшириғи берилади. У шеър ўқийганда унга шеърга тааллуқли бўлмаган бир нечта савол билан мушоаба қилинади, унча мураккаб бўлмаган ҳаракатларни бажариш сўралади.

2-босқич: «нотик» шеърни ўқиб тугатгач, ундан шеърнинг мазмунини сўзлаб бериш ҳамда шеърни ўқиш давомида қандай савол ва топшириқлар берилганлиги сўралади. Натижалар таҳлил қилинаётганда саволларга тўғри жавоб берганлиги ва ҳаракатларни тўғри бажарганлиги ҳисобга олинади.

VI. Микродарс: ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини текшириши.

Талабаларнинг 2-3 нафари навбат билан «ўқитувчи» ролини бажаради ва «ўқувчи»лардан ўтган мавзунини сўраб баҳолайди. Аудиториядаги талабалар «ўқувчилар» ролини ижро этадилар. Бунда «ўқитувчи»нинг ишнинг тўғри ташкил этиши, топшириқларнинг хилма-хиллиги ва диққатни тақсимлай олиш кўникмасини таҳлил қилинади.

Масалан, 1-ҳолат: ўқитувчи тарқатма материаллар орқали ўқувчилар билиминини баҳолайди. 2 ўқувчи доска олдида ишлайди, 4 ўқувчи эса 1-қаторда мустақил ишлайди.

2-ҳолат: ўқитувчи талабаларнинг мутахассислигидан келиб чиқиб мавзу танлайди ва шу мавзу бўйича сўров ўтказилади.

Ҳар иккала ҳолат бўйича ҳам талабалар «ўқитувчи» фаолиятини куйидаги мезонлар бўйича таҳлил қиладилар:

- синфга кириш ва саломлашишнинг тўғри бажарилганлиги;
- ўқувчилар диққатини жалб эта олиш;
- синф хонасининг дарсга тайёргарлиги;
- ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик даражалари;
- сўров вақтида барча талабаларнинг диққатини жалб эта олиш;
- жавоб бераётган ўқувчи, жавобга тайёрланаётган ўқувчилар ва бошқа ўқувчилар ўртасида диққатни тақсимлай билиш даражаси;

- ўқувчиларнинг жавобларига диққат қила билиши ва қўйилган баҳоларнинг асосли эканлиги.

VII. Машғулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзуни хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

✓5-машғулот. Педагогик фаолиятнинг барча турларида ижодий ҳолат ва ранг-барангликни ташкил этиш малакаларини ривожлантириш

Технологик харита

<i>Машғулот мақсади</i>	Талабаларни махсус машқлар орқали ўз ҳис-туйғуларини бошқаришга, жисмоний ва психологик танглик ҳолатининг олдини олишга; синфдаги муҳитга табиий ва узлуксиз таъсир кўрсатишга ҳамда болалар билан мулоқот қилишга ўргатиш.
<i>Машғулотнинг информацион-услубий таъминоти</i>	Машғулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, ижодий муҳитни юзага келтиришга қаратилган машқлардан фойдаланилади.
<i>Машғулотнинг жиҳозлари</i>	Электрон доска, ўқитувчи гавдасини тўғри тутиши, кийинишга доир расмлар, суратлар, фотолар, машқлар ёзилган дисклар.
<i>Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар</i>	1.Ғаффорова Т. Бошланғич таълимда замонавий технологиялар. Қарши: 2009. 2.Сайидахмедов Н. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. –Т.ЎзМУ қошидаги ОПИ.- 2003.

Машғулотнинг бориши

	<i>Иш тури</i>	<i>Вақти</i>	<i>Мазмуни</i>
I	<i>Ташкилий қисм</i>	5 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	Назарий билимларни текшириш.	20 минут	«Кластер» методидан фойдаланиб ўтказилади.
III	Дарсдан олдин ижодкорликни юзага келтиришга доир машқлар. 1-машқ. Дарсга тайёргарлик машқи.	10 минут	Дарсга психологик тайёргарлик кўриш машқ қилинади.
IV	Дарсда турли муаммоли вазиятларни ҳал этиш. 2-машқ. Синф хонасида тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантириш машқи.	10 минут	Талабалар ўқитувчи сифатида хонада тўғри ҳаракат қилишни машқ қиладилар.
V	Фаолият дастурини тузишга доир топшириқ.	15минут	Талабала бўлажак ўқитувчи сифатида фаолиятларини режалаштириб оладилар.
VI	Микродарс: суҳбат.	15минут	Ўқувчилар суҳбат уюштириш техникаси шакллантирилади.
VII	Машғулотни яқунлаш.	5 минут	Талабалар рейтингини эълон қилади. Дарсни хулосалайди ва кейинги

			машғулот учун мустақил топшириқлар беради.
--	--	--	--

Машғулот режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Назарий билимларни текшириш.
- III. Дарсдан олдин ижодкорликни юзага келтиришга доир машқлар.
- IV. Дарсда турли муаммоли вазиятларни ҳал этиш.
- V. Фаолият дастурини тузишга доир топшириқ.
- VI. Микродарс: суҳбат.
- VII. Машғулотни яқунлаш.

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Назарий билимларни текшириш.

«Замонавий ўқитувчи»: маънавияти, дунёқараши ва ташқи қиёфаси. («Кластер» методидан фойдаланилади).

1-босқич: ўқитувчи талабаларга 3 тармоққа ажратилган кластер чизилган қоғоз тарқатади.



Ва «Кластер» тузиш қондаси билан талабаларни таништиради:

Кластерни тузиш қондаси

1. Ақлингизга келган барча тушунчаларни ёзинг. Унинг сифатини муҳокама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва грамматик хатоларга эътибор берманг. Хато қилишдан қўрқманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда қоғозга расм чизинг, қачонки янги ғоялар пайдо бўлмагунча.

4. Ҳар бир тармоқни бир-бирига боғланг. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни чегараламанг.

2-босқич: талабалар кластер тузишлари учун 10 минут вақт берилади.

3-босқич: ҳар бир талабага тузган кластери тақдимотини ўтказиш учун 2 минут вақт ажратилади.

4-босқич: талабаларнинг фикрини умумлаштирган ҳолда ўқитувчи талабалар билан биргаликда битта кластер тузилади.

III. Дарсдан олдин ижодкорликни юзага келтиришга доир машқлар

1-машқ. Дарсга тайёргарлик машқи.

1-босқич: ўқитувчи талабаларга дарсга психологик тайёргарлик кўриш жараёни, босқичлари ҳақида маълумот бериб туради. Талабалар дарсга тааллуқли матн асосида тайёргарлик бошлайдилар. Олдларидаги тоза қоғозга, зарур бўлиб қолса, маълумотларни қайд этиб борадилар.

2- босқич: ўқитувчи қуйидаги тартибда талабаларга маълумот бериб туради. Талабалар ўқитувчи топшириғига биноан психологик тайёргарлик машқларини бажариб турадилар:

«Тасаввур қилинг, сиз Алишер Навоий ижодига доир машғулот ўтказишингиз керак. Бутун диққат-этиборингизни шунга қаратишингиз керак. Қуйидаги схема бўйича ҳаракат қиламиз:

Хаёлан дарс лойиҳасини қайтадан кўриб чиқамиз. Айнан шу мавзунини ўқитишга хоҳиш, мотив ҳис этдингизми? Агар бўлмаса, мазкур мавзу ёки режадан бизни ўзига тортадиган нимадир топишга ҳаракат қиламиз. Кимни нима қизиқтирмакда?».

Талабалар жавоб берадилар. «Энди хоҳиш пайдо бўлдими? Унда нутқимизни Алишер Навоий қаламига мансуб шеър ёки ғазал билан тўлдирамиз. Қайси шеърни эсладингиз? Энди тасаввур қилинг сиз синф хонасидасиз. Юқоридаги материални ўқувчиларга етказмоқчисиз. Сиз синф хонасига кирдингиз ва сўзлай бошладингиз. Ўқув материалига эмоционал яқинликни ҳис этдингизми? Агар, йўқ бўлса, бошидан бошлаймиз.

3-босқич: машқ жамоа билан бажарилди, энди яқка тартибда бажарамиз.

IV. Дарсда турли муаммоли вазиятларни ҳал этиш

2-машқ. Синф хонасида тўғри ҳаракат қилиш кўникмаларини шакллантириш машқи.

Талабаларга қуйидагича топшириқлар берилади:

1. Дарс ўтиш учун қўлда журнал билан синфга тўғри кириб бориш (2-3 талаба).

2. Дарс бошлаш учун синфга кириш ва саломлашиш (2 талаба);

3. Синфга кириб бориш ва саломлашиш. Иш жойини эгаллаш (2 талаба);

4. Синфга кириб бориш ва саломлашиш. Иш жойини эгаллаш ва иш бошлаш (2 талаба);

5. Синфга кириб бориш ва саломлашиш. Иш жойини эгаллаш, журнални очиш. Тўсатдан эшик тақиллаб қолди... - (Сизнинг реакциянгиз);

6. Синфга кириб бориш ва саломлашиш. Иш жойини эгаллаш ва иш бошланди... тўсатдан ўқувчилар шовқин қилишди. Масалан, китоб тушиб кетди ва ҳамма кулиб юборди... - (Сизнинг реакциянгиз).

Ҳар бир машқ бажарувчиларнинг ўқувчилар билан мулоқотга кириша олиши, ҳаракатларининг мақсадга мувофиқлиги ва табиийлигига кўра талабалар томонидан таҳлил қилинади. Ўқитувчи умумий хулосани айтади.

V. Фаолият дастурини тузишга доир топшириқ

Талабалар 10-15 минут давомида келажакдаги фаолиятлари дастурини тузишлари сўралади. Бунда ўқитувчи талабаларга қуйидаги саволларни эълон қилади ва талабалардан жавоб тайёрлаш сўралади:

1) Мен ишлайдиган мактаб ёки синф қандай бўлишини хоҳлар эдим?

2) Ўз меҳнатим билан қандай ўзгаришлар қилар эдим?

3) Ўқувчиларим билан муносабатим қандай бўлади? Ота-оналар билан-чи? Бунга қандай эришиш мумкин?

4) Педагогик фаолиятимдаги менинг асосий принципим.

Талабалар қисқа муддат давомида тахминий иш дастурларини тузадилар. Хоҳловчилар, ҳаттоки, расм чизишлари ҳам мумкин. Иш тўхтатилгач талабалар 2-3 минут давомида дастурлари тақдимотини ўтказадилар. Ҳар бир дастур самарадорлиги ва

оргиналлиги жиҳатидан таҳлил қилинади. Топшириқ якунида «Энг оригинал дастур», «Энг самарадор дастур», «Энг қизиқарли дастур» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланади.

VI. Микродарс: суҳбат.

Мутахассисликдан келиб чиқиб дарсга доир уч минутли суҳбат ташкил этиш. Эвристик суҳбат, янги мавзуга кириш суҳбати, ўқувчилар билимини текширишга оид суҳбат.

Суҳбат самарадорлигига эришиш учун куйидаги қатор талабларга амал қилиш лозим:

1. Логик-лингвистик талаб: саволларни мантиқан тўғри тузиш, нутқнинг оптимал темпи, орфоэпик тўғрилиқ, дикция: аниқлиги, мантиқий урғунинг кучи.

2. Психологик талаблар: ўқитувчининг ишонтирувчи тони, юмор, хотиржамлик, ишонччилик, ўқувчиларнинг ёш, психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, ўқувчилар билимини назорат қилиш, баҳолаш, ўқувчиларни мимика билан қўллаб туриш.

3. Педагогик талаблар: саволларни тўғри тузиш, иккилантирувчи саволлардан эҳтиёт бўлиш, синфга талабчанлик, кўргазмали қуроллар, компьютер ва ахборот технологияларидан фойдалана билиш.

VII. Машғулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзунини хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

✓ 6-машғулот. Ўз-ўзини тарбиялаш - жараён ва фаолият сифатида

Технологик харита

Машғулот мақсади	Талабаларни педагогик фаолиятда ўз-ўзига тўғри баҳо бериш ва ўз-ўзини тарбиялашга ўргатиш; ўз ҳис-туйғуларини бошқариш, жисмоний ва психологик танглик ҳолатининг олдини олиш.		
Машғулотнинг информацион-услубий таъминоти	Машғулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, ўз-ўзини тарбиялашга қаратилган машқлардан, таълим-тарбия жараёнига психологик тайёргарни амалга оширишга доир машқлардан, “Қандай?” иерархик диаграммасидан фойдаланилади.		
Машғулотнинг жиҳозлари	Электрон доска, ўқитувчи гавдасини тўғри тутишига доир расмлар, суратлар.		
Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар	1. Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси. – Т.: Истиклол. 2003. 150 б. 2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТДПУ-2003 3. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.		
Машғулотнинг бориши			
	Иш тури	Вақти	Мазмуни
I	Ташкилий қисм	7 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати. Талабалар фаолиятини баҳолаш учун “экспертлар” тайинланади.
II	Назарий билимларни текшириш.	7 минут	Савол-жавоб усулидан фойдаланиб ўтказилади.

III	Мускуллар таранглигини енгишга доир машқлар. 1-машқ. «Мен кучлиман» машқи.	3 минут	Талабалар ўз-ўзини дарсга психологик ва жисмоний тайёрлашни машқ қиладилар.
	2-машқ. «Ҳордик» ва «Маска» релаксация машқлари.	10 минут	Талабалар ўз-ўзини тарбиялашни ўрганадилар.
IV	Тўғри гавда тузилишини таркиб топтиришга доир машқлар 3-машқ. «Илгак» машқи.	3 минут	Талабаларга тўғри гавда тузилишини шакллантириш машқ қилдирилади.
	4-машқ. Ўриндан тўғри туриш машқи.	5 минут	Ўқитувчи сифатида ўқувчилар олдида ўзини тўғри туриш ва ҳаракат қилишга ўргатилади.
	5-машқ. «Қандай?» иерархик диаграммаси.	15 минут	Талабаларда маҳоратли ўқитувчи ҳақида яхлит тасаввур ҳосил бўлади ва бу даражага эришиш йўллари ўрганадилар.
V	Микродарс: ўқувчилар билан бўладиган турли муаммоли вазиятларни ҳал этиш.	10 минут	Педагогик фаолиятда юзага келадиган турли хилдаги муаммоли вазиятлар турли нуқтаи назардан таҳлил қилинади.
VI	Ўз-ўзини объектив баҳолашга доир машқ.	15 минут	Талабалар ва тайинланган «эксперт»лар баҳолари таққосланади. Натижаларга кўра талабаларнинг ўз-ўзига берган баҳоси объективлиги даражаси аниқланади.
VII	Машғулоти яқунлаш.	5 минут	Талабалар рейтингини эълон қилади. Дарсни хулосалайди ва кейинги машғулоти учун мустақил топшириқлар беради.

Машғулоти режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Назарий билимларни текшириш.
- III. Мускуллар таранглигини енгишга доир машқлар.
- IV. Тўғри гавда тузилишини таркиб топтиришга доир машқлар
- V. Микродарс: ўқувчилар билан бўладиган турли муаммоли вазиятларни ҳал этиш.
- VI. Ўз-ўзини объектив баҳолашга доир машқ.
- VII. Машғулоти яқунлаш.

Машғулоти бориси:

I. Ташкилий қисм.

II. Назарий билимларни текшириш учун саволлар.

1. Педагогик маҳоратни шакллантириш усуллари.
2. Педагогнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёни.
3. Педагогик тажриба тўплаш ва таҳлил қилиш.

III. Мускуллар таранглигини енгишга доир машқлар.

1-машқ. «Мен кучлиман» машқи.

1-босқич: бу машқни талабалар барчаси ўқитувчи билан биргаликда бажарадилар. Ўқитувчи ҳаракатлар кетма-кетлигини айтиб туради ва талабалар билан биргаликда бажаради: «Ҳамма тик туради: кўллар олдинга узатилган. Шу ҳолатда панжалар мушт

қилинади ва бир вақтнинг ўзида бармоқлар каттиқ қисилади. Билак ҳамда елка мускуллари таранглаштирилади. Машқни бажариш жараёнида ҳар ким ўз-ўзига ҳаёлан таъсир кўрсатади: «мен кучли ва бақувват бўлишни хоҳлайман». Сўнг мускуллар бўшаштирилади ва қўллар маятник сифат ҳаракат қилиб пастга туширилади. Бу машқ 2-3 марта такрорланади.

2-босқич: юқоридаги машқ гавдани олдинга эгилтирган ва қўлларни чўзган ҳолда бажарилади. (2-3 марта).

2-машқ. «Ҳордиқ» ва «Маска» релаксация машқлари.

Ўқитувчи талабаларга ҳаракатлар кетма-кетлигини айтиб туради. Талабалар эса ўтирган ўринларида майин куй оҳанглари остида машқни бажарадилар.

Ўқитувчи нутқи: «Тасаввур қилинг сиз узоқ сайрдан қайтиб, дам олиш учун ўтирдингиз. Стул суянчиғига суянамиз. Оёқлар тиззадан букилган ёки узатилган ҳолатда чалиштириб ўтирамыз. Чуқур нафас оламиз: ўпкамиздаги бор ғуборлар ва чарчоқ чиқиб кетади. Бу ҳолат тинчланишга ёрдам беради.

Юз мускулларини бўшаштириш учун «маска» релаксация машқларини бажарамиз. Кўзимизни юмамиз. Тилимизни юқоридаги олд тишларимиз илдизига тегизамиз. Пастки жағимизни бўшаштирамиз.

Энди ўз-ўзимизга буйруқ берамиз: пешонани бўшаштирамиз. Қошни бўшаштирамиз: ўнги; чапи. Қовоқларни енгилгина туширамиз: ўнги; чапи. Жағимиз очиқ, пастки жағ эркин қўйилган. Лаб бўшашган: юқоригиси; пастгиси. Бўйин мускуллари бўшашган, бошимизни орқага ташлаймиз.

Елкаларни бўшаштирамиз, пастга туширамиз. Қўллар ва бармоқларни бўшаштирамиз. Қорин мускулларини бўшаштирамиз, қорнимиз юмшоқ. Оёқларимиз мускулларини бўшаштирамиз: ўнги; чапи.

Эркин нафас оламиз, тинч, осуда, секин, текис. Сиз дам оляпсиз. Тасаввур қилинг денгиз бўйида дам олаяпсиз».

IV. Тўғри гавда тузилишини таркиб топтиришга доир машқлар.

3-машқ. «Илгак» машқи.

Бу машқни ҳам талабалар ўқитувчи билан биргаликда бажарадилар. Ўқитувчи ўргатиб туради, талабалар топширикни бажарадилар: «Елкаларимизни олдинга энгаштирамиз, елка ва бел мускулларини бўшаштирамиз. Энди пальтони илгакка илган каби гавдимизни кўтарамиз, орқага ташлаб умуртқамизга кийдирамиз.

Елкаларимиз бақувват бўлди. Қўл, бўйин, елка эркин ва енгил бўлди. (3-4 марта такрорланади).

4-машқ. Ўридан тўғри туриш машқи.

1-босқич: талабалардан 3-4 нафари навбат билан «ўқитувчи» ролини бажаради ва ўтирган ўридан тўғри туришни машқ қиладилар. Стулдан тураётганда таянч нуқта тўғри танланиши, товушсиз ва чиройли ҳаракатга эътибор қаратилади.

2-босқич: қарама-қарши столда ўтирган талабалар ўринларини алмашадилар. Бошқа талабалар улар ҳаракатини таҳлил қиладилар.

Машқ натижаларини таҳлил қилишда ҳаракатнинг мақсадга мувофиқлиги, шовқинсиз ҳаракат қилинишига, мускулларга ортиқча оғирлик туширмасликка, гавдани тик тута олишларига эътибор берилади.

Ҳар бир ўқитувчи ўз психологик ҳолатини бошқара олиши, ўзида ижодкорлик ҳис-туйғуларини юзага келтира олиши лозим.

5-машқ. «Қандай?» иерархик диаграммаси

1-босқич: «Жамият талабларига жавоб бера оладиган маҳоратли ўқитувчи даражасига қандай эришиш мумкин?» тарзида савол қўйилади ва талабаларга марказида савол ёзилган иерархик диаграмма ёзилган қоғоз тарқатилади. Шу билан бирга талабалар «қандай?» иерархик диаграммасини қуришнинг қуйидаги қоидалари билан таништирилади:

1. «Қандай?» иерархик диаграммаси муаммо ҳақида бутунлигича умумий тасаввурга эга бўлишга имкон берадиган саволлар мантиқий занжири кўринишида бўлади.

Диаграмма стратегик даражадаги савол билан иш бошланади. Муаммони ҳал этишнинг пастки (қуйи) даражаси биринчи навбатдаги ҳаракатлар рўйхатига мос келади.

2. Ҳайламай, баҳоламай ва уларни ўзаро солиштирмай тезликда барча ғояларни ёзиш лозим бўлади.


3. Диаграмма ҳеч қачон тугалланмайди: унга янги ғояларни киритиш мумкин бўлади.

4. Агарда савол схемада бир қанча «шоҳлар»да қайтарилса, демак у нисбатан муҳимдир. У муаммони ҳал этишнинг муҳим қадами бўлиши мумкин.

5. Янги ғояларни график кўринишида қайд этишни ўзингиз ҳал этинг: дарахт ёки каскад кўринишида, юқоридан пастга ёки чапдан ўнгга. Энг муҳими эсда тутинг: нисбатан кўп миқдордаги фойдали ғоялар ва муаммо ечимларини топишга имкон берадиган усул энг мақбул усул ҳисобланади.

6. Агарда сиз тўғри савол берсангиз ва оптимист бўлсангиз, у ҳолда диаграмма (техника) ҳар қандай муаммо ечимини топиб беришни кафолатлайди.

2-босқич: талабалар иерархик диаграммани қуйидаги тарзда кўринишида куриш мумкин (бунда ҳар бир катакда «Қандай?» саволига жавоб жойлаштирилади):



3-босқич: диаграмма аввал якка ҳолда тузилади ва кейин жуфтликларга бирлашадилар ва ўз диаграммаларини таққослаб, қўшимчалар киритадилар.

Иш якунида келишган ҳолда жуфтликлардаги бир талаба иш тақдимотини ўтказади. Топшириқни баҳолашда ишнинг мантиқийлиги ва асосли эканлигига эътибор қаратилади.

V. Микродарс: ўқувчилар билан бўладиган турли муаммоли вазиятларни ҳал этиш

Ўқитувчиларда ижодкорликни шакллантириш фаолияти давомида «Агарда...» ҳолатини юзага келтиришга доир машқлар.

Ўқитувчи қуйидаги муаммоли вазиятларни ўқийди. Талабалар навбат билан вазият иштирокчилари ўрнида туриб ўз нуқтаи назарларини билдирадилар.

1-масала: Ўқитувчи синфга кириб келди. Барча ўқувчилар ўз ўринларида ўтиришипти. Ҳамма жим. Аммо улар ўринларидан туришмади. Чунки ўтган куни ўқитувчи ўқувчиларга саёҳатга чиқиш учун рухсат бермаган эди. Ўқувчилар ўқитувчига нисбатан “исён кўтаришган”.

Савол: “Агарда сиз ўқитувчининг ўрнида бўлсангиз нима қилар эдингиз?”

“Агарда, сиз ўқувчилардан бирининг ўрнида бўлсангиз, нима қилар эдингиз?”

2-масала: Синфдаги аълочи ва фаол ўқувчилардан бирини ўқитувчи доим мактагани ва намуна қилиб кўрсатавергани ўқувчиларнинг ғашига тегди. Ва улар бу ўқувчини ажратиб қўйишди ва ҳеч ким гаплашмай қўйди.

Савол: “Агарда, сиз ўқитувчининг ўрнида бўлсангиз, қандай йўл тутасиз?”

“Агарда, сиз аълочи ўқувчи ўрнида бўлсангиз, қандай йўл тутасиз?”

“Агарда, сиз ўқувчилардан бирининг ўрнида бўлсангиз, қандай йўл тутасиз?”

3-масала: Синфдаги икки бола урушиб қолди ва улардан бири иккинчисига тарсаки туширди. Ҳар иккала ўқувчи ҳам ўзича ҳақ. Эртаси куни ўқувчиларнинг оналари ҳам мактабга ташриф буюриб ўқитувчига норозилик билдира бошладилар.

Савол: “Агарда, сиз ўқитувчи бўлсангиз, қандай йўл тутасиз?”

“Агарда, сиз ўқувчилардан бири бўлсангиз, қандай йўл тутасиз?”

“Агарда, сиз оналардан бири бўлсангиз, қандай йўл тутасиз?”

VI. Ўз-ўзини объектив баҳолашга доир машқ.

Талабаларни ўз-ўзини объектив баҳолашга ўргатиш учун талабалар орасидан 4 нафар “эксперт” тайинланади ёки четдан ўқитувчи таклиф этилади. Гуруҳ 2 қисмга ажратилади. “Эксперт”лар ўзаро келишган ҳолда 2 нафари гуруҳ талабаларининг бир қисмини, 2 нафари қолган иккинчи қисмини машғулот давомида белгиланган мезонлар асосида баҳолаб борадилар. Аммо қайси “эксперт” кимни кузатиши ҳеч кимга билдирилмайди. “Эксперт”лар бутун машғулот давомида кузатиб, иш якунида баҳолаб беришлари ҳам мумкин. Бунинг учун 5-6 минут вақт ажаратилади. Унгача бошқа талабалар юқоридаги муаммоли вазиятни таҳлил қилиб турадилар. Иш якунида ҳар бир талабага ҳам ўз фаолиятларини айнан ўша мезон ва саволлар асосида баҳолаш топшириғи берилади.

Баҳолашда 1,2,3 балдан фойдаланилади:

1- паст даража;

2 - ўрта даража;

3 - юқори даража.

Баҳолаш учун қуйидаги мезонлар берилади:

1. Педагогик фаолиятга қизиқиши.

2. Ижодкорлик даражаси.

3. Дунёқараш.

4. Педагогик билимдонлиги.

5. Педагогик фаолиятга тайёрлиги.

Барча жавоблар тайёр бўлгач ҳар бир талаба учун алоҳида жадвал тўлдирилади.

(Талабаланинг ФИО)

Саволлар	1 балл	2 балл	3 балл
<i>1- мезон</i>			
<i>2- мезон</i>			

3- мезон			
4- мезон			
5- мезон			

Жавобларга кўра тегишли катакчаларга нукта қўйилади ва бирлаштириб чиқилади. Бунда талабанинг ўз-ўзига берган баҳоси қизил қалам билан, 1-экспертнинг баҳоси кўк қалам билан, 2-экспертнинг баҳоси яшил қалам билан белгиланади.

Агарда чизиқлар устма-уст тушса, демак талабанинг ўз-ўзига берган баҳоси билан экспертларнинг баҳоси бир хил бўлади ва талаба ўз-ўзини баҳолашга объектив ёндошган бўлади.

VII. Машгулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзуни хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машгулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

СЕМИНАР МАШГУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

Семинар машгулотларида дастурнинг мазмунига киритилган айрим мавзулар муҳокама этилади, мунозаралар ўтказилади, талабаларнинг маърузалари ва илмий ахборотлари эшитилади.

✓1-мавзу. Кадрлар тайёрлаш миллий модели.

Ўқитувчилик касби ва унинг жамиятда тутган ўрни

Технологик харита

Машгулот мақсади	Талабаларнинг кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унда ўқитувчи фаолиятига қўйилган талаблар ҳамда ўқитувчилик касбининг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги билимларини мутахкамлаш.		
Машгулотнинг информацион-услубий таъминоти	Машгулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, талабаларнинг илмий маърузаларидан ва “арра” ўзаро ўқиш усулидан фойдаланилади.		
Машгулотнинг жиҳозлари	Электрон доска, ўқув қўлланмалар.		
Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар	1. Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси. – Т.: Истиклол. 2003.150 б. 2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТДПУ-2003 3. Пирмухамедова М.Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.		
Машгулотнинг бориши			
	Иш тури	Вақти	Мазмуни
I	Ташкилий қисм	7 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	«Ўйланг – жуфтликда ишланг – фикр алмашинг» ўзаро ўқиш техникаси.	30 минут	Талабалар биргаликда ўзаро фикр алмашиб ишлайдилар.
III	Илмий маъруза. 1-мавзу. Ўқитувчиларнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни.	12 минут	Талабалар ўқитувчи фаолияти ҳақида илмий маъруза қилишни ўрганадилар.
	2-мавзу. Жамият тараққиёти ва педагогик	12 минут	Ўқитувчининг жамият тараққиётида тутган ўрни муҳокама қилинади.

	фаолият.		
	3-мавзу. Ўқитувчиларнинг маънавий қиёфаси.	12 минут	Ўқитувчи маънавий дунёси таҳлил қилинади.
IV	Машғулоти яқунлаш.	7 минут	Талабалар рейтингини эълон қилади. Дарсни хулосалайди ва кейинги машғулот учун мустақил топшириқлар беради.

Машғулот режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. «Ўйланг – жуфтликда ишланг – фикр алмашинг» ўзаро ўқиш техникаси.
- III. Илмий маъруза.
- IV. Машғулоти яқунлаш.

М а ш ғ у л о т н и н г б о р и ш и :

I. Ташкилий қисм.

II. «Ўйланг – жуфтликда ишланг – фикр алмашинг» ўзаро ўқиш техникаси.

Машғулоти ташкил этишда “Ўйланг - жуфтликда ишланг - фикр алмашинг” ўзаро ўқиш техникасидан фойдаланилади. Бу машқда талабалар биргаликда фаолият юритишга, ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтирилади.

«Ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг»

1-босқич: ўқитувчи талабаларни 3 гуруҳга ажратади ва ҳар бир гуруҳга қуйидаги саволларни биттадан бўлиб беради:

1. Ҳозирги жамиятда ўқитувчига қўйиладиган талаблар.
2. Маҳоратли ўқитувчининг маънавий қиёфаси.
3. Педагогик қобилиятнинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни.

Талабалар саволга аввал яқка ҳолда яхшилаб ўйлаб жавоб берадилар. Жавоблар қисқа ва асосли бўлиши лозим.

2-босқич: талабалар жуфтликларга бирлашадилар ва бир-бири билан фикр алмашиниб умумий жавобни ишлаб чиқадилар.

3-босқич: жуфтликлар қисқа муддат давомида жавоблар тақдимотини ўтказадилар. Жавоблар қисқа, лўнда ва мантиқан асосланганлига ва кўргазмалилигига кўра баҳоланади.

III. Илмий маъруза

Талабалардан бир нечтаси 6-7 дақиқага мўлжалланган маъруза тайёрлайдилар. Маърузалар қуйидаги мавзуларда тайёрланади:

1. Ўқитувчиларнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни.
2. Жамият тараққиёти ва педагогик фаолият.
3. Ўқитувчиларнинг маънавий қиёфаси.

Маъруза якунида муҳокама қилинади ва савол-жавоб ўтказилади.

III. Машғулоти яқунлаш.

Ўқитувчи мавзуни хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

✓2-мавзу. Педагогик фикр. Бошланғич таълим жараёнида ўқитувчи маҳорати масалалари

Технологик харита

Машғулот мақсади	Талабаларнинг турли даврларда ўқитувчилик фаолияти ва уларга қўйилган талаблар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш, бошланғич синф ўқитувчиси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириш.
Машғулотнинг информацион-	Машғулот жараёнида ахборот-коммуникация

<i>услубий таъминоти</i>	технологияларидан, “Билимдонлар танлови” усулидан фойдашшизхъ анилади.		
<i>Машгулотнинг жиҳозлари</i>	Шарқ мутафаккирлари, педагог олимларнинг суратлари ва асарларидан намуналар.		
<i>Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар</i>	1.Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси. – Т.: Истиклол. 2003.150 б. 2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТДПУ-2003 3. Пирмухамедова М.Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.		
Машгулотнинг бориши (мусобақа тарзида ўтади).			
	Иш тури	Вақти	Мазмуни
I	Ташкилий қисм	6 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати, экспертлар билан таништириш.
II	Гуруҳлар танишуви.	4x3=12 минут	Талабалар 3 гуруҳга бўлинадилар ва ҳар бир гуруҳ ўзларини таништирадилар.
III	Педагогик қарашлар.	4x3=12 минут	Талабалар педагогик қарашларга доир билимларини намойиш этадилар.
IV	Викторина.	4x3=12 минут	Талабалар бир-бирларига тайёрлаб келган саволларини берадилар ва жавоблар тингланади.
V	Илмий маъруза.	8x3=24 минут	Аввалдан берилган мавзу бўйича илмий маъруза қиладилар.
VI	Экспертлар хулосаси.	7 минут	Гуруҳлар баҳоси эълон қилинади.
VII	Машгулотни яқунлаш.	7 минут	Экспертлар хулосасига кўра талабалар рейтинги эълон қилинади. Дарс хулосаланади ва кейинги машгулот учун мустақил топшириқлар берилади.

Машгулот режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Гуруҳлар танишуви.
- III. Педагогик қарашлар.
- IV. Викторина.
- V. Илмий маъруза.
- VI. Экспертлар хулосаси.
- VII. Машгулотни яқунлаш.

Машгулотнинг бориши:

- I. Ташкилий қисм.

«Билимдонлар танловини» ўтказиш учун гуруҳдаги талабалар машгулотгача 3 гуруҳга ажратилади. 1-гуруҳга халқ оғзаки ижодиётидан устозлар ҳақидаги намуналар бўйича, 2-гуруҳга Шарқ мутафаккирлари (Кайковус, Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий)нинг ўқитувчилар ҳақидаги қарашлари бўйича, 3-гуруҳга чет эл олимлари (Сукрот, Афлотун, Ристотель, Квинтилиан,

Я.А.Коменский, А.Дистервег, К.Ушинский, А.Макаренко)нинг педагогик фаолиятга доир қарашлари бўйича тайёргарлик кўриб келиш топширилади.

Танловда ҳар бир гуруҳ фаолиятини баҳолашда фан ўқитувчиси ва бошқа мутахассислардан иборат эксперт гураҳи иштирок этади.

Танловнинг шартлари қуйидагича белгиланади ва талабаларга машғулотгача етказилади:

1. Гуруҳлар танишуви.
2. Педагогик қарашлар.
3. Викторина.
4. Илмий маъруза.

II. Гуруҳлар танишуви. Ҳар уччала гуруҳ талабалари навбат билан ўз гуруҳлари тақдимотини ўтказадилар. Бунда улар гуруҳ номи ва белгисини изоҳлашлари ҳамда бадиий чиқиш орқали ўзларини таништиришлари лозим бўлади.

III. Педагогик қарашлар. Гуруҳлар навбат билан гуруҳлар учун белгиланган йўналиш бўйича педагогик фаолият ҳақидаги қарашлардан намуналар келтириб таҳлил қиладилар.

IV. Викторина. Ҳар бир гуруҳга бошқа гуруҳ вакиллари 3 тадан саволлар тайёрлаб келадилар ва уларни конвертларга солинган ҳолда тақдим этадилар. Шу тариқа ҳар бир гуруҳ 3 тадан саволни танлаб олиб жавоб берадилар.

V. Илмий маъруза. Ҳар бир гуруҳдан 1 нафар талаба «Бошланғич таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ва унда педагогик маҳоратнинг ўрни» мавзусида тайёрлаб келган илмий маърузаларини ўқиб берадилар.

VI. Экспертлар хулосаси. Танловнинг ҳар бир шarti экспертлар томонидан беш баллик тизим асосида баҳолаб борилади ва машғулот якунида ғолиблар эълон қилинади.

VII. Машғулотни якунлаш.

Ўқитувчи мавзунини хулосалайди, экспертлар хулосасига кўра талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни якунлайди.

✓3-мавзу. Ўқитувчи фаолиятида мулоқот маданияти ва психологияси

Технологик харита

Машғулот мақсади	Педагогик мулоқот хусусиятлари ва уни ташкил этишнинг самарали йўллариини излашга доир назарий билимлар мустаҳкамланади.		
Машғулотнинг информацион-услубий таъминоти	Машғулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, баҳс методидан, ўқитувчи нутқини бойитишга қаратишган машқлардан фойдаланилади.		
Машғулотнинг жиҳозлари	Электрон доска, изоҳли луғат, матн ва афоризмлар ёзилган тарқатма материал.		
Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар	1.Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси. – Т.: Истиқлол. 2003.150 б. 2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТДПУ-2003 3. Пирмухамедова М.Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.		
Машғулотнинг бориши			
	Иш тури	Вақти	Мазмуни
I	Ташиқлий қисм	5 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати, экспертлар билан таништириш.

II	«Ўқитувчи мулоқот маданияти» муаммога доир баҳс.	30 минут	Талабалар ўзаро баҳслашадилар ва фикрларини эркин билдиришни, асослашни ўрганадилар.
III	Луғат билан ишлаш.	10 минут	Талабалар берилган сўзларнинг луғавий маъносини топадилар.
IV	«Урғу» машқи.	10 минут	Гапдаги сўзларга қўйилган урғуларни ўзгаришининг гап мазмунига таъсири ўрганалади.
V	Иборалар устида ишлаш.	20 минут	Талабалар нутқ бойлигини ошириш учун иборалар маъноси таҳлил қилинади.
VI	Машғулоти яқунлаш.	5 минут	Экспертлар хулосасига кўра талабалар рейтинги эълон қилинади. Дарс хулосаланади ва кейинги машғулот учун мустақил топшириқлар берилади.

Машғулот режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. «Ўқитувчи мулоқот маданияти» муаммога доир баҳс.
- III. Луғат билан ишлаш.
- IV. «Урғу» машқи.
- V. Иборалар устида ишлаш.
- VI. Машғулоти яқунлаш.

Машғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. «Ўқитувчи мулоқот маданияти» муаммога доир баҳс.

Баҳс ўтказиш учун мавзуга доир 2 та муаммо танланади: биринчиси - «Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти қандай бўлиши керак?» ва иккинчиси - «Ўқувчилар ўқувчилар билан дўстона муносабат ўрнатиши мумкинми ёки йўқ?».

1-босқич: ўқитувчи талабалар ичидан қуйидаги ролларга танлаб олади:

Крупье ёки бошқарувчи – баҳсни олиб боради, сўзлаш учун талабаларга навбат бериб туради.

Судья – баҳс жараёнини можароларсиз ўтишини таъминлайди, фикрларнинг исботланишини талаб қилиб боради.

Эксперт – баҳс давомида билдирилган фикрларни таҳлил қилиб баҳолаб боради.

2-босқич: баҳсни бошлаш учун ўқитувчи баҳс иштирокчиларига қуйидаги талабларни эслатиб ўтади:

1-талаб: баҳс муносабатларни ҳал этиш усули эмас балки муаммони ҳал этиш усулидир;

2-талаб: бошқа иштирокчиларга ҳам сўз бериш учун узоқ вақт нутқ сўзлама;

3-талаб: ҳар бир сўзни ўйлаб, тўғри ифода қил, ҳиссиётларингни назорат қил;

4-талаб: ўртоқларинг нуқтаи назарини тушунишга ҳаракат қил, уни ҳурмат қил;

5-талаб: оппонент фикрини бузмасдан эътирозларингни аниқ билдир.

6-талаб: фақат баҳс мавзуси бўйича фикр билдир, кўп ўқиганлигинг ва умумий билимдонлигингни рўқач қилма.

7-талаб: кимгадир ёқишни кўзлаб хушомад қилма ёки ўз нутқинг билан бошқаларни ранжитма.

3-босқич: баҳс ўтказилади. Талабалар фикр-мулоҳазаларини билдирадилар. Судья баҳс жараёнининг мваффақиятли кечишини назорат қилиб боради. Баҳс якунида сўз экспертга берилади.

III. Луғат билан ишлаш.

Ўқитувчи талабаларга нутқ маданияти ва техникасига, мулоқот маданиятига доир бир қатор атамаларнинг луғавий маъносини топиш ва зифасини беради. Муаммога доир атамалар қуйидагилардир:

коммуникатив, такт, тактика, демократик, авторитар, либерал,

IV. “Урғу” машқи.

Ўқитувчи бир гапдаги сўзлардаги урғуларни ўзгартириш орқали гап маъносини ўзгартириш топшириғини беради.

Масалан:

“Барно дугонасига расмли эртак китоб совға қилди.”

Худди шугап бир нечта карточкага ёзилади. Аммо улар ҳар бирида бошқа-бошқа сўзлар ажратиб кўрсатилган бўлади. Яъни,

“**Барно** дугонасига расмли эртак китоб совға қилди.”

“Барно **дугонасига** расмли эртак китоб совға қилди.”

“Барно дугонасига **расмли** эртак китоб совға қилди.”

“Барно дугонасига расмли **эртак китоб** совға қилди.”

“Барно дугонасига расмли эртак китоб **совға** қилди.”

Талабалар ажратиб кўрсатилган сўзга урғу берган ҳолда гапни ўқийдилар ва гап мазмуни қай тарзда ўзгарганлигини тушунтирадилар. Топшириқни бажарган талабалар баҳоланади.

V. Иборалар устида ишлаш.

Ўқитувчи иборалар ўқийди. Талабалар уни ёзиб олиб, қисқа вақтда ўйлаб олиб ўз тушунчаларини қисқа баён этадилар.

Масалан, “мўйқалам соҳиби”, “сичқоннинг ини минг танга”, “туянинг думи ерга тегганда”, “бир қошиқ қонидан кечмоқ”,

Машқ якунида ўқитувчи топшириқни тўғри бажарган талабалар баҳолаб борилади.

VI. Машғулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзуни хулосалайди, экспертлар хулосасига кўра талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди

✓4-мавзу. Педагогик техника ва ўқитувчининг маҳорати

Технологик харита

Машғулот мақсади	Педагогик техника турлари ва унинг ўқитувчи фаолияти самарадорлигини оширишдаги ўрни ҳақидаги талабалар билимини мустаҳкамлаш.
Машғулотнинг информацион-услубий таъминоти	Машғулот жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан, “Арра” ўзаро ўқиш техникасидан, илмий маъруза усулидан фойдаланилади.
Машғулотнинг жиҳозлари	Электрон доска, педагогик техникага доир тарқатма материаллар, луғат.
Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар	1. Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси. – Т.: Истиклол. 2003. 150 б. 2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТДПУ-2003 3. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.
Машғулотнинг бориши (мусобақа тарзида ўтади).	

	<i>Иш тури</i>	<i>Вақти</i>	<i>Мазмуни</i>
I	Ташкилий қисм	5 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	«Арра» ўзаро ўқиш техникаси.	45 минут	Талабалар ўзаро фикр алмашиниш орқали янги билимларни ўзлаштирадидилар.
	1-босқич. Мустақил иш.	10 минут	Ҳар бир талаба ўзи учун берилган саволга жавоб топади.
	2-босқич. «Экспертлар» усрашуви.	10 минут	Бир хил саволга жавоб тайёрлаган талабалар учрашиб фикр алмашадилар.
	3-босқич. Ўзаро ўқиш.	10 минут	Ҳар бир талаба ўзи ўзлаштирган материални бошқаларга ўргатади.
	4-босқич. Ўзаро текшириш ва баҳолаш.	15 минут	Талабалар бир-бирини баҳолайди ёки тест саволларига жавоб тайёрлайдилар.
III	Илмий маъруза.	25 минут	2-3 талаба берилган мавзу бўйича маъруза қиладилар. Ҳар бир маъруза муҳокама қилинади ва савол-жавоб ўтказилади.
IV	Машғулотни яқунлаш.	5 минут	Талабалар рейтинги эълон қилинади. Дарс хулосаланади ва кейинги машғулот учун мустақил топшириқлар берилади.

Машғулот режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. «Арра» ўзаро ўқиш техникаси.
- III. Илмий маъруза.
- IV. Машғулотни яқунлаш.

Машғулотнинг бориши:

- I. Ташкилий қисм.**
- II. «Арра» ўзаро ўқиш техникаси.**

Гуруҳ кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳда талабалар биргаликда ўтириб жавобларини ўзаро муҳокама қиладилар ва ҳар бир гуруҳ аъзоси “эксперт” сифатида фаолият юритишга тайёрланади.

1-босқич: Ўқув материали гуруҳ аъзолари сонига мос равишда қисмларга ажратилади ва ҳар бир гуруҳга бир хил саволлар берилади.

Саволлар:

1. Мимика ва пантомимика.
2. Нутқ техникаси.
3. Рағбатлантириш ва жазолаш техникаси.
4. Юзни ўқиш техникаси.
5. Жамоани тузиш ва унга таъсир этиш техникаси.
6. Ўқитувчиларда педагогик техника қандай шакллантирилади?

Мустақил иш: гуруҳдаги талабалар саволларни ўзаро бўлиб олиб жавоб тайёрлайдилар. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси эксперт варағидаги ўз саволига жавобни тайёрлаш учун ўқув материалдан керакли маълумотни топади.


2-босқич: «Экспертлар» учрашуви – ҳар хил гуруҳларда бир хил материални ўрганаётган талабалар эксперт сифатида учрашади ва маълумотлар билан алмашади. Улар

Ўз саволлари устида ишлашади, ўз дастлабки гуруҳлари аъзоларига қандай қилиб маълумотни энг самарали ифодалаш ва кўргазмали тақдим этишни биргаликда режалаштиради.






3-босқич: *Ўзаро ўқиш*: «экспертлар» ўз дастлабки гуруҳларига қайтиб келишади ва бошқаларни ўзлари билиб олган янгиликларга ўргатади: ҳар ким ўз топшириғининг қисми ҳақида маълумот беради – (бир арранинг тишларидек)эксперт варағидаги саволни очиб беради.

4-босқич: *Ўзаро текшириш ва ўзаро баҳолаш*: бутунлай мавзу бўйича бир бирига саволлар беришади ва янги ўқув материални ўзлаштириш даражасини баҳолашади, ёки ўқитувчи томонидан бутун мавзу бўйича тайёрланган тестларни бажаради.


1-босқич: “Мустақил иш”



2-босқич: “Экспертлар учрашуви”



3-босқич: “Ўзаро ўқиш”



III. Илмий маъруза.

Талабалар «Педагогик техниканинг ўқитувчи фаолиятидаги ўрни» мавзуси бўйича тайёрлаган маърузаларини бошқаларга тақдим этадилар.

IV. Машғулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзунини хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди

✓5-мавзу. Нутқ техникаси ва маданияти ҳақида

Технологик харита

<i>Машғулот мақсади</i>	Талабаларнинг бошланғич синф ўқитувчиси нутқига қуйиладиган талаблар ва нутқ маданиятига доир билимларини мустаҳкамлаш.
<i>Машғулотнинг информацион-услубий таъминоти</i>	Машғулот жараёнида илмий ахборот усулидан, тезкор сўров ва луғатлар билан ишлаш усуллари билан фойдаланилади.
<i>Машғулотнинг жиҳозлари</i>	Электрон доска, ўқув қўлланма ва луғатлар.
<i>Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар</i>	1.Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси. – Т.: Истиқлол. 2003.150 б. 2.Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТДПУ-2003

		3. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.	
Машиғулотнинг бориши			
	Иш тури	Вақти	Мазмуни
I	Ташкилий қисм	5 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	Илмий ахборот.	40 минут	Талабалар берилган муаммолар бўйича изланишлар олиб борадилар ва илмий ахборотлар тайёрлаб келадилар. Ахборотлар тингланади ва муҳокама қилинади.
III	Луғат устида ишлаш.	15 минут	Мавзуга доир терминлар луғавий маъноси ўрганилади.
IV	Тезкор сўров.	15 минут	Талабалар тезкор саволларга жавоб берадилар.
V	Машиғулотни яқунлаш.	5 минут	Талабалар рейтинги эълон қилинади. Дарс хулосаланади ва кейинги машғулот учун мустақил топшириқлар берилди.

Машиғулот режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Илмий ахборот.
- III. Луғат устида ишлаш.
- IV. Тезкор сўров.
- V. Машиғулотни яқунлаш.

Машиғулотнинг бориши:

I. Ташкилий қисм.

II. Илмий ахборот.

Талабалар мустақил равишда қуйидаги саволлар бўйича илмий ахборот тайёрлайдилар ва маъруза қиладилар:

1. Нутқ техникаси.
2. Ўқитувчи нутқига қўйиладиган талаблар.
3. Ўқитувчи нутқи самарадорлигини ошириш усуллари.
4. Нутқ самарадорлигига салбий таъсир этадиган ҳолатлар.

III. Луғат устида ишлаш.

Талабаларга қуйидаги терминларнинг луғавий маъносини топиш топшириғи берилди: *техника, анафора, фонацион нафас, физиологик нафас, резонатор, генератор, тембр, диапазон, темп, ритмика, бас, тенор, альт, анафора, инверсия, интонация, градация, тавтология.*

IV. Тезкор сўров.

Талабалар билан тезкор сўров ўтказилади. Унда қуйидаги саволлардан фойдаланиш мумкин:

1. Нутқнинг грамматик тўғрилиги нима?
2. Нутқнинг фонетик меъёри нима?
3. Нутқнинг орфоэпик меъёри нима?
4. Нутқ таъсирчанлигини ошириш воситалари.
5. Градация бу - ...?
6. Инверсия ҳодисаси нима?
7. Фонацион нафас кетма-кетлиги қандай бўлади?

V. Машиғулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзунини хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

✓6-мавзу. Педагогика ва театр педагогикаси
Технологик харита

Машигулот мақсади	Педагогик фаолиятнинг актёрлик фаолиятига ўхшаш жиҳатларини ўрганиш ва педагогик фаолиятда актёрлик маҳоратидан фойдаланишни машқ қилиш.		
Машигулотнинг информацион-услубий таъминоти	Машгулот жараёнида венн диаграммасини тузиш усулидан, илмий ахборот ва кузатиш усулидан фойдаланилади.		
Машигулотнинг жиҳозлари	Электрон доска, педагогик техникага доир тарқатма материаллар, луғат.		
Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар	1. Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси. – Т.: Истиқлол. 2003. 150 б. 2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТДПУ-2003 3. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.		
Машигулотнинг бориши (мусобақа тарзида ўтади).			
	Иш тури	Вақти	Мазмуни
I	Ташкилий қисм	5 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	Илмий ахборот.	40 минут	Талабалар олиб борган кузатишлари ва илмий изланишлари асосида илмий ахборотлар тайёрлайдилар.
III	Венн диаграммасини тузиш.	30 минут	Венн диаграммасини тузадилар ва жуфтликларга бирлашиб фикр алмашадилар. Иш якунида тақдимот ўтказилади.
IV	Машгулотни якунлаш.	5 минут	Талабалар рейтинги эълон қилинади. Дарс хулосаланади ва кейинги машгулот учун мустақил топшириқлар берилади.

Машигулот режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Илмий ахборот.
- III. Венн диаграммасини тузиш.
- IV. Машгулотни якунлаш.

М а ш ғ у л о т н и н г б о р и ш и :

I. Ташкилий қисм.

II. Илмий маъруза.

Талабалар мустақил берилган топшириққа асосан театрдаги актёрлар фаолиятини кузатадилар. Актёрлик маҳоратидан педагогик жараёнда фойдаланишга доир изланишлар олиб борадилар ва муаммо юзасидан илмий ахборот тайёрлаб машгулот жараёнида ҳимоя қиладилар. Кузатиш ва таҳлиллар натижасида театр санъати ютуқларидан педагогик фаолиятда фойдаланишга доир илмий ахборот тайёрлайдилар.


III. Венн диаграммасини тузиш.

«Педагогик маҳорат» ва «актёрлик маҳорати» тушунчалари ўртасидаги фарқ ва боғлиқликларни аниқланг. (Венн диаграммасидан фойдаланган ҳолда ўтказилади).


1-босқич: Бунинг учун талабалар 2 гуруҳга ажратилади. 1-гуруҳ талабаларига «педагогик маҳорат» тушунчасига тааллуқли, 2-гуруҳга «актёрлик маҳорати»

тушунчасига тааллуқли хусусиятларни ёзиш талаб этилади. Талабалар якка ҳолда ишлайдилар.


Педагогик маҳорат



Актёрлик маҳорати



2-босқич: 1-гуруҳдаги талабалар 2-гуруҳ талабалари билан жуфтликларга бирлашадилар. Фикр-мулоҳазаларини умумлаштирган ҳолда кесишадиган иккита доирачани тўлдирадилар. Бунда доирачаларнинг кесишган қисмига умумий хусусиятлар, кесишмайдиган қисмига ўзига хос хусусиятлар ёзилади.



3-босқич: жуфтликлардаги талабалардан бири топшириқ тақдимотини ўтказди. «Венн диаграммаси»ни тўғри ва кўп сўзлар билан тўлдирган талабалар рағбатлантирилади ва баҳоланади.

IV. Машғулотни яқунлаш.

Ўқитувчи мавзуни хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади. Кейинги машғулотга тайёрланиш учун топшириқлар беради ва дарсни яқунлайди.

✓7-мавзу. Ўқитувчи маҳоратини такомиллаштириш йўллари ва Технологик харита

<i>Машғулот мақсади</i>	Педагогик фаолиятда ўз устида ишлаш ва педагогик маҳоратни такомиллаштиришга доир билимларни мустаҳкамлаш.
<i>Машғулотнинг информацион-услубий таъминоти</i>	Машғулот жараёнида илмий маъруза ва “Резюме” технологиясидан фойдаланилади.
<i>Машғулотнинг жиҳозлари</i>	Ўқув қўлланма, электрон доска, тарқатма маиериаллар.
<i>Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар</i>	1. Исмоилова З. Тарбиявий иш методикаси. – Т.: Истиклол. 2003. 150 б. 2. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. ТДПУ-2003 3. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.
<i>Машғулотнинг бориши (мусобақа тарзида ўтади).</i>	

	<i>Иш тури</i>	<i>Вақти</i>	<i>Мазмуни</i>
I	Ташкилий қисм	5 минут	Саломлашиш, давоматни аниқлаш, аудитория ва талабаларнинг дарсга тайёргарлигини ўрганиш, кириш суҳбати.
II	Илмий маъруза	40 минут	Талабалар берилган мавзулар бўйича изланишлар олиб борадилар ва маърузалар тайёрлаб келадилар. Маърузалар тингланади ва муҳокама қилинади.
III	«Резюме» технологияси	30 минут	Талабалар «Резюме» технологиясидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолиятни шакллантириш йўллари таҳлил қиладилар. Иш якунида тақдирот ўтказилади.
IV	Машғулоти якунлаш.	5 минут	Талабалар рейтинги эълон қилинади. Дарс хулосаланади ва кейинги машғулоти учун мустақил топшириқлар берилади.

Машғулоти режаси:

- I. Ташкилий қисм.
- II. Илмий маъруза.
- III. «Резюме» технологияси.
- IV. Машғулоти якунлаш.

Машғулотининг бориши:

- I. Ташкилий қисм.**
- II. Илмий маъруза.**

Талабалар қуйидаги саволлар юзасидан маъруза қиладилар:

1. Ёш ўқитувчи фаолиятидаги типик хатолар ва уларни тузатиш йўллари.
2. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш мазмуни.
3. Вақтдан унумли фойдаланиш – самарадорлик омили.
4. Ўз-ўзини тарбиялаш ва ўз устида ишлаш педагогик маҳоратни шакллантиришнинг асосий шарт сифатида.

III. «Резюме» технологияси.

1-босқич: Талабалар 3-5 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратилади.

2-босқич: ўқитувчи талабаларга машғулоти мақсади ва технология мазмунини тушунтиради ва ҳар бир гуруҳга қуйидагича жадвал чизилган А3 форматдаги қоғоз таркатади:

Педагогик маҳоратни шакллантириш йўллари							
Ўз устида ишлаш орқали		Тажриба алмашилиши орқали		Малака ошириш курсларида		Педагогик адабиётларни ўрганиш орқали	
Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги	Афзаллиги	Камчилиги

--	--	--	--	--	--	--	--

3-босқич: ҳар бир гуруҳ аъзолари ҳар бир гуруҳ аъзолари ўзларига тушган муаммонинг афзаллиги ва камчиликларини аниқлаб, жадвални тўлдирадилар. Ёзилган фикрлар асосида энг мақбул вариант сифатида умумий хулоса чиқарадилар.

4-босқич: гуруҳ аъзоларидан бири тайёрланган материалнинг тақдимотини ўтказди. Аммо хулоса қисмини билан таништирмайди. Барча гуруҳлардаги тақдимотлар эшитилгандан сўнг хулосалар эълон қилинади.

5-босқич: ўқитувчи гуруҳлар томонидан билдирилган хулосаларни умумлаштиради ва талабалар билан биргаликда якуний хулоса тайёрланади.

IV. Машғулотни якунлаш.

Ўқитувчи мавзунини хулосалайди, талабалар рейтингини эълон қилади ва дарсни якунлайди.

Талабалар билимини назорат қилиш учун тест саволлари

Test savollari

- Pedagogik mahorat tarkibiy qismlari qaysi qatorda to'g'ri ko'rsatilgan?
 - Ta'lim berish mahorati
 - Kasbiy bilim va pedagogik qobiliyat
 - Muloqot o'rnatish va tarbiyalash mahorati
 - O'quvchilar va ota-onalar bilan ishlay olish mahorati.
- Pedagogik mahorat nima?
 - Ta'lim va tarbiya berish san'ati
 - Muloqot o'rnatish olish
 - Pedagogik jarayonni boshqara olish mahorati
 - Bilim bera olish mahorati
- Kasbiy bilim tarkibiy qismlarini ko'rsating.
 - Fanga doir bilimlar
 - Pedagogik bilimlar
 - Nazariy bilimlar
 - Nazariy bilimlar, amaliy bilimlar, metodik bilimlar.
- Pedagogik qobiliyat turlarini ko'rsating.
 - Obro' orttira olish qobiliyati
 - Tashkilotchilik, didaktik, akademik, suggestiv, pertseptiv.
 - Kommunikativ qobiliyat
 - Hamma javoblar to'g'ri
- O'quvchilar jamoasi oldida obro' orttirish uchun o'qituvchi qanday xususiyatga ega bo'lishi kerak?
 - Namuna ko'rsatishi
 - O'z ustida tinimsiz izlanishi
 - O'quvchilarni seva olishi
 - Hamma javoblar to'g'ri
- Didaktik qobiliyat turi nima?
 - Nutqning boyligi

- B. Ta'lim bera olish, ta'lim usullarini to'g'ri tanlay olish
 C. Ta'lim nazariyasini chuqur o'zlashtirish
 D. O'quvchilar olamiga nazar tashlay olish.
7. Pertseptiv qobiliyat turi nima?
 A. Muloqot o'rnata olish
 B. Tarbiya usullarini to'g'ri tanlay olish
 C. O'quvchilar yuz ifodasi va ko'ziga qarab ichki olamiga nazar tashlay olish qobiliyati
 D. Sinf faollarini to'g'ri tanlay olish
8. Suggestiv qobiliyat turi nima?
 A. Emotsional ta'sir eta olish qobiliyati
 B. Nutq boyligi
 C. Jamoaga rahbarlik qila olish.
 D. O'quvchilarni tushuna olish
9. Kommunikativ qobiliyat turi nima?
 A. Nutq boyligi
 B. Chuqur bilim
 C. Muloqot o'rnata olish
 D. Jamoani tashkil eta olish.
10. Akademik qobiliyat turi nima?
 A. Ta'lim bera olish qobiliyati
 B. Fan sohasiga doir bilimlarni chuqur o'zlashtirish.
 C. Muloqot madaniyati.
 D. Tarbiyachilik mahorati.
11. Jamoani boshqarishning quyidagi tavsifi qaysi uslubga mansub: «Muammolarni hal qilishda jamoa fikriga tayanadi. Har qanday vaziyat yechimini ko'pchilik hal etadi»?
 A. Liberal uslub
 B. Demokratik uslub
 C. Avtoritar uslub
 D. To'g'ri javob yo'q.
12. Quyidagi dunyoqarashga ega rahbar jamoani qaysi uslubda boshqaradi: «Men jamoani boshqaraman. Demak muammolarni ham yolg'iz o'zim hal qilaman. Chunki Mensiz jamoa tanazzulga yuz tutadi»?
 A. Liberal uslub
 B. Demokratik uslub
 C. Avtoritar uslub
 D. To'g'ri javob yo'q.
13. Quyidagi aqidaga amal qiladigan rahbar qaysi uslubda jamoani boshqaradi: «Men senga tegmayman, sen menga tegma»?
 A. Liberal uslubda
 B. Demokratik uslubda
 C. Avtoritar uslubda
 D. To'g'ri javob yo'q.
14. Ustozlar haqidagi quyidagi misra kimning qalamiga mansub:
Haq yo'linda kim senga bir harf o'qitmish ranj ila,

Aylamak oson emas haqqin ado ming ganj ila.

- A. Alisher Navoiy
- B. Forobiy
- C. Beruniy
- D. Abdulla Avloniy

15. Quyidagi fikr qaysi Sharq mutafakkirining qalamiga mansub:

Hech bir gap qolmadi mavhum bo'lmagan,

Juda oz sir qoldi ma'lum bo'lmagan.

Bilimim haqida chuqur o'ylasam,

Bildimki, hech narsa ma'lum bo'lmagan.

- A. Alisher Navoiy
- B. Forobiy
- C. Ibn Sino
- D. Abdulla Avloniy

16. Mimika nima?

- A. Yuz ifodasini o'qish
- B. Harakatlar kompleksi
- C. Fikrlarni so'zsiz, yuz muskullari orqali bayon etish san'ati
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

17. Pantomimika nima?

- A. Fikrlarni so'zsiz gavda va qo'l harakatlari orqali ifodalash
- B. Fikrni so'zsiz ifodalash
- C. Fikrni erkin bayon qilish.
- D. Fikrlarni faqat oyoq harakatlari orqali ifodalash

18. Ijtimoiy pertseptsiya nima?

- A. Jamiyat hayotiga faol ishtirok
- B. Ko'z qarashlari va yuz ifodasi orqali ichki dunyoni ko'ra olish qobiliyati
- C. Magiya
- D. To'g'ri javob yo'q.

19. Diapozon nima?

- A. Tovush balandligi
- B. Nutqni ifodalash usuli
- C. Nutq boyligi
- D. Inson imkoniyatlari darajasidagi turli balandlikdagi tovushlar yig'indisi

20. Ritmika nima?

- A. Tovushlarni ifodalash xususiyati
- B. Nutq xususiyati
- C. Tovushlar va so'zlarni talaffuz qilishdagi umumiy tezlik, davomiylik.
- D. Muloqot xususiyati

21. Diktsiya nima?

- A. Tovushlarni to'g'ri talaffuz qilish
- B. Tovush xususiyatlari
- C. Nutq boyligi
- D. Nutq xususiyati

22. Tembr nima?
A. Tovushning yorqinligi, yumshoqligi, xususiyligi.
B. Tovush balandligi.
C. Tovush tezligi.
D. Nutq boyligi
23. O'qituvchi nutqiga qanday talablar quyiladi?
A. Grammatik.
B. Fonetik.
C. Stilistik.
D. Hamma javoblar to'g'ri.
24. KTMD da o'qituvchi shaxsiga qanday talablar quyilgan?
A. Pedagogik faoliyatga qo'g'biliyatli, ijodkor, ishbilarmon, milliy madaniyat va umuminsoniy qadriyatlarni, dunyoviy bilimlarni mukammal egallagan, diniy ilmlardan ham xabardor, ma'naviy barkamol bo'lishi kerak.
B. Yurtimizning mustaqil davlat sifatida taraqqiy etishiga ishonadigan, vatanparvar, e'tiqodli fuqaro hamda ixtisosga doir bilimlarni, psixologik, pedagogik bilim va mahoratni, nazariy ilmlarni muammal egallashi lozim.
C. O'qituvchilik kasbini va bolalarni yaxshi ko'radigan, ularning barkamol shaxs bo'lib yetishishiga ishonadigan hamda erkin va ijodiy fikrlay oladigan, talabchan, adolatli, odobli inson bo'lishi shart.
D. Hamma javoblar to'g'ri.
25. Ta'lim jarayoni ishtirokchilarining huquq va burchlar qaysi me'yoriy hujjatda ko'rsatib o'tilgan?
A. Mehnat kodeksida
B. Jinoyat kodeksida
C. Kostitutsiyada
D. «Ta'lim to'g'risida»gi Qonunda
26. Pedagogik texnikaga qaysi javobda to'g'ri ta'rif keltirilgan?
A. Ta'lim-tarbiya jarayoni vosita va usullari.
B. Ta'lim jarayonida qo'llaniladigan texnik vositalar.
C. O'qituvchiga o'quv faoliyatida ham, o'qishdan tashqari faoliyatda ham zarur bo'lgan umumiy pedagogik malakalar majmuidan iborat.
D. To'g'ri javob yo'q.
27. Pedagogik takt nima?
A. Muloqot shakli.
B. O'qituvchining o'quvchilar bilan muloqotda pedagogik maqsadga qaratilgan usul va uslubni, samarali tarbiyaviy ta'sir vositalarini topa bilish va to'g'ri qo'llay bilish kasbiy malakasi.
C. Tarbiya usuli.
D. Ta'lim usuli.
28. O'qituvchining jamoa bilan muloqot shakllari qaysi qatorda to'g'ri ko'rsatilgan?
A. Passiv-ijobiy, faol-ijobiy, o'zgaruvchan.
B. Doimiy, o'zgaruvchan.
C. Jamoaviy va yakka.
D. V va S javoblar to'g'ri.
29. Jamoa a'zolarini nima birlashtiradi?

- A. Tengdoshlik xususiyatlari
 - B. Tartib-intizom
 - C. Yagona maqsad
 - D. To'g'ri javob yo'q.
30. Pedagogik mahoratni oshirish yo'llarini ko'rsating
- A. Badiiy asarlar o'qish orqali
 - B. Ilmiy adabiyotlarni tahlil qilish orqali
 - C. Tajriba orttirish davomda
 - D. Auditoriyada va auditoriyadan tashqarida
31. Yuqori darajada shakllangan jamoada boshqaruvni kim amalga oshiradi?
- A. Jamoa o'z-o'zini boshqaradi
 - B. Sinf rahbari
 - C. Sinf faollari
 - D. Ota-onalar
32. Sinf dan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ish jarayonida qaysi ish usullaridan foydalaniladi?
- A. Og'zaki ish usullari, amaliy ish usullari, ko'rgazmali ish usullari
 - B. Ommaviy va yakka ish usullari
 - C. Ertaliklar, majlislar, to'garaklar
 - D. Hamma javoblar to'g'ri
33. Sayohatlar, olimpiada va to'garaklar qaysi ish usuliga kiradi?
- A. Og'zaki
 - B. Amaliy
 - C. Ko'rgazmali
 - D. To'g'ri javob yo'q
34. Ertaliklar, kitobxonlar konferentsiyalari, munozaralar qaysi ish usuliga tegishli?
- A. Og'zaki
 - B. Amaliy
 - C. Ko'rgazmali
 - D. To'g'ri javob yo'q
35. Maktab muzeylari, kitoblar ko'rgazmasi qaysi ish usuliga taalluqli?
- A. Og'zaki
 - B. Amaliy
 - C. Ko'rgazmali
 - D. To'g'ri javob yo'q
36. «Sokin suzayotgan sol» o'xshatmasi munosabatlarni boshqarishning qaysi uslubiga tegishli?
- A. Demokratiik.
 - B. Avtoritar.
 - C. Liberal.
 - D. A va B javoblar to'g'ri
37. Sinf dan va maktabdan tashqari tarbiyaviy ish tashkilotchisining vazifalari nimalardan iborat?
- A. Darsdan tashqari tarbiyaviy ishlarni rejalashtirish, sinf faollari va pedagogik jamoa yordamida ishni yo'lga qo'yish va amalga oshirishni nazorat qilish.
 - B. Tarbiyaviy ishlarga bevosita rahbarlik qilgan holda hamkorlarga uslubiy yordam ko'rsatish

C. Tarbiyaviy ish jarayonida jamoatchilik kuchidan foydalanish va muhim tadbirlarda qatnashish.
D. Hamma javoblar to'g'ri.

38. «Bumerang» o'xshatmasi munosabatlarni boshqarishning qaysi uslubiga tegishli?
A. Liberal.
B. Avtoritar.
C. Demokratik.
D. To'g'ri javob yo'q.

39. Nutq nima?
A. Muloqot vositasi
B. Fikrlarni bayon etish shakli
C. So'z va gaplar
D. A va B javoblar to'g'ri

40. Nutq qanday shakllarda ifodalanadi?
A. Og'zaki va yozma
B. So'zlar orqali
C. Tovushlar orqali
D. Yozuvlar orqali

41. O'qituvchining qanday nutqi o'quvchilarni zeriktiradi?
A. Munozarali va muammoli
B. Savol-javoblar
C. Uzoq davom etadigan monolog
D. To'g'ri javob yo'q

42. Ta'lim jarayoni oldiga qanday maqsadlar qo'yiladi?
A. Dars mazmunini o'quvchilarga yetkazish
B. Ta'limiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi
C. Barkamol shaxsni tarbiyalash
D. Jismoniy rivojlantirish.

43. O'qituvchi professiogrammasi qaysi xususiyatlarni o'z ichiga oladi?
A. O'qituvchi shaxsining xususiyatlari va ruhiy-pedagogik tayyorgarlikka qo'yiladigan talablar.
B. Maxsus tayyorgarlikning hajmi va tarkibi
C. Ixtisosga oid metodik tayyorgarlikning mazmuni.
D. Hamma javoblar to'g'ri.

44. O'qituvchi shaxsining xususiyatlari qaysi yo'nalishlarda aniqlanadi?
A. Mafkuraviy, kasbiy-pedagogik va bilim sohasida
B. Pedagogik-psixologik sohalarda
C. Kasbiy tayyorgarlik sohasida
D. Tarbiyachilik sohasida

45. So'zlar orasidagi tanaffuslar nima deb ataladi?
A. Ritm
B. Temporitm
C. Diapozon
D. Tembr

46. Nutq boyligi nima bilan belgilanadi?
A. So'zlarni to'g'ri qo'llashda
B. Tovushlarni to'g'ri talaffuz qilish bilan
C. Sinonimlardan keng va o'rinli foydalanish bilan
D. Hamma javob to'g'ri
47. «O'tkir o'q» o'xshatmasi jamoaga rahbarlik qilishning qaysi uslubiga tegishli?
A. Avtoritar.
B. Demokratik.
C. Liberal.
D. To'g'ri javob yo'q.
48. Jamoa shakllanishi jarayoni necha bosqichda amalga oshadi?
A. Ikki bosqichda.
B. Uch bosqichda.
C. To'rt bosqichda.
D. Besh bosqichda.
49. Quyidagi belgilarga ega jamoa shakllanishning qaysi bosqichida: «Pedagogning talablari faollarning jamoaga bildiradigan talablari bilan qo'shiladi. Pedagog faollardan barcha o'quvchilarni ijtimoiy qimmatla faoliyatga jalb etish vositasi sifatida foydalanadi. Faollar jamoa a'zolariga topshiriqlar berada, ularning bajarilishini nazorat qiladi va talab qiladi».
A. Birinchi bosqichida
B. Ikkinchi bosqichida.
C. Uchinchi bosqichida.
D. To'rtinchi bosqichida.
50. Quyidagi belgilarga ega jamoa shakllanishning qaysi bosqichida: «Pedagogning kuch-g'ayrati natijasida sinfda o'rnatilgan muayyan darajadagi tartib-intizom mavjud. O'quvchilarning uncha katta bo'lmagan qismi o'qituvchining fikrini qo'llab-quvvatlaydi. Sinf faollari faoliyati to'liq yo'lga qo'yilmagan».
A. Birinchi bosqichida
B. Ikkinchi bosqichida.
C. Uchinchi bosqichida.
D. To'rtinchi bosqichida.
51. Quyidagi belgilarga ega jamoa shakllanishning qaysi bosqichida: «Jamoada o'z-o'zini boshqarishga o'tgan. O'zaro munosabatlar axloqiy qimmatga ega. Bunday jamoada pedagogning talablari jamoa a'zolarining bir-biriga bo'lgan talablari bilan uyg'unlashadi».
A. Birinchi bosqichida
B. Ikkinchi bosqichida.
C. Uchinchi bosqichida.
D. To'rtinchi bosqichida.
52. Nutq ifodaliligini oshirishda qaysi stilistik usullardan foydalaniladi?
A. Sinonimlardan
B. Omonimlardan
C. Antonimlardan
D. Anafora, inversiya, intonatsiya.
53. Anafora nima?
A. Nutq ta'sirchanligini oshirish maqsadida gapda ayrim so'zlarning takrorlanishi.

- B. Nutq xususiyati.
- C. Frazologiya.
- D. To'g'ri javob yo'q.

54. Inversiya nima?

- A. Nutq hodisasi.
- B. Boshqa tilga xos so'zlardan foydalanish.
- C. Nutq ta'sirchanligini oshirish maqsadida gapda so'zlarning o'rnini almashtirish holati.
- D. To'g'ri javob yo'q.

55. Intonatsiya nima?

- A. She'r o'qish.
- B. Nutq mazmuniga mos holda so'zlash, ayrim so'z va iboralarni ajratib, ta'kidlab ko'rsatish.
- C. Iboralardan keng foydalanish.
- D. To'g'ri javob yo'q.

56. Pedagogik mahratning shakllanish bosqichlari qaysi qatorda to'g'ri ko'rsatilgan?

- A. Boshlang'ich, o'rta va yuqori.
- B. Reproaktivlik, ijodiylik, ijodiy-novatorlik.
- C. Past, o'rta va yuqori.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

57. O'qituvchining o'quvchilarga kommunikativ ta'sir etish usullarini ko'rsating.

- A. Muloqot va muomala
- B. So'zlashuv
- C. Ishontirish va singdirish
- D. Tajriba almashinuv

58. Ishontirish usulining samarali kechishi nimalarga bog'liq?

- A. Axborot majmui va o'qituvchining avtoritetiga.
- B. Ishontirish ta'siri qaratilgan shaxsnig ruhiy jihatlari va ularning ta'sir etish jarayonida inobatga olinishiga.
- C. O'qituvchi va o'quvchilarnig o'zaro muloqot jarayonidagi aqliy va ruhiy holatiga.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

59. Singdirish usuli turlarini ko'rsating.

- A. Doimiy va vaqtinchalik
- B. Bevosita va bilvosita.
- C. Yakka va guruh bilan.
- D. Jamoaviy.

60. Qat'iy talab va buyruqlar singdirish usulining qaysi turiga mansub?

- A. Bevosita pedagogik singdirish usuliga
- B. Bilvosita pedagogik singdirish usuliga
- C. Tushuntirish usuliga
- D. To'g'ri javob yo'q.

61. Ishoralar, qoralash, rag'batlantirish singdirish usulining qaysi turiga mansub?

- A. Bevosita pedagogik singdirish usuliga
- B. Bilvosita pedagogik singdirish usuliga
- C. Tushuntirish usuliga
- D. To'g'ri javob yo'q.

62. Emotsional barer nima?

- A. O'qituvchining fikrlarini qabul qilishga halaqit beradigan his-tuyg'ular.
- B. Qarama-qarshi tuyg'ular.
- C. Fikrlar to'qnashuvi.
- D. To'g'ri javob yo'q.

63. Tovush hosil qilishda qanday nafasdan foydalaniladi?

- A. Fiziologik
- B. Fonatsion
- C. Chuqur
- D. To'g'ri javob yo'q.

64. Tovush apparati qismlarini ko'rsating.

- A. Til, lab, tish.
- B. Halqum, bo'g'iz.
- C. Energetik, generator, rezonator.
- D. Og'iz bo'shlig'i, burun.

65. Tovushning egiluvchanligi nima?

- A. Tovushlarni to'g'ri talaffuz qilish.
- B. Tovushni o'zgartira olish.
- C. Kuylay olish.
- D. Baland tovush.

66. Pedagogik texnika qanday qismlardan iborat?

- A. O'z organizmini boshqarish.
- B. Kayfiyat va his-tuyg'ularini boshqarish.
- C. Nutq texnikasi.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

67. Fonatsion nafas olishda izchillik qanday amalga oshadi?

- A. Nafas olish, pauza, nafas chiqarish.
- B. Nafas olish, nafas chiqarish, pauza.
- C. Nafas olish, nafas chiqarish.
- D. Pauza, nafas olish, nafas chiqarish.

68. Nutq funktsiyalari nimalardan iborat?

- A. O'qitish vositasi.
- B. Tarbiya vositasi.
- C. Fikr almashinuv.
- D. Muloqot, fikrlarni ifodalash, axborot almashinuv vositasi.

69. O'qituvchi mehnatini ilmiy asosda tashkil etish tamoyillarini ko'rsating.

- A. Rejalashtirish, tashkil etish.
- B. Boshqarish.
- C. Nazorat qilish.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

70. O'z-o'zini tarbiyalash uslublarini ko'rsating.

- A. O'z-o'zini bilish, o'z-o'zini baholash.
- B. O'z maqsadini anglash.

- C. O'z vazifalarini anglash.
D. O'z ustida ishlash.
71. Pedagogik tajribani to'plash tizimi nimalardan iborat?
A. Maqsadni belgilash.
B. Tahlil etish, umumlashtirish, xulosa qilish.
C. Yutuqlarni aniqlash, ma'lumot to'plash.
D. Hamma javoblar to'g'ri.
72. O'qituvchining munosabat uslublarini ko'rsating.
A. To'g'ridan-to'g'ri munosabat.
B. Bevosita va bilvosita
C. Monologik va dialogik.
D. Nutqiy va nonutqiy.
73. Pedagogik nazokat nima?
A. Axloq me'yorlariga rioya etish.
B. Me'yor tuyg'usi va pedagogik odob g'oidalariga rioya etish.
C. His-tuyg'u.
D. Ta'lim-tarbiya jarayonida his-tuyg'uga rioya etish.
74. Quyidagi singdirish usullaridan qaysi biri pedagogik jarayonda foydalaniladi?
A. Relaksatsiya holatida singdirish.
B. O'z-o'ziga singdirish
C. Ongli holatda singdirish.
D. Gipnoz holatida singdirish.
75. Qobiliyat nima?
A. Boshqa insonlardan ustunlik jihati.
B. Shaxsning muayyon faoliyat yuzasidan layoqatini ifodalovchi psixik xususiyat.
C. Psixologik xususiyat.
D. A va S javoblar to'g'ri.
76. Empatiya nima?
A. Norozilik kayfiyati.
B. Simpatiyaga qarama-qarshi tushuncha.
C. Boshqa odamlarning psixik holatlarini tushunish va ularga hamdardlik qilish qobiliyati.
D. Psixik holat.
77. O'qituvchining ota-onalar bilan muloqot shakllarni ko'rsating.
A. Yakka va ommaviy suhbat, sinf majlislari, xat orqali muloqot, uchrashuvlar.
B. Ta'lim va tarbiya jarayonidagi uchrashuvlar.
C. Yakka holdagi suhbat.
D. To'g'ri javob yo'q.
78. Pedagogik muloqot shakllari qaysi qatorda to'g'ri ko'rsatilgan?
A. O'qituvchi va o'quvchi muloqoti.
B. O'qituvchi va o'quvchilarning ota-onalari o'rtasidagi muloqot.
C. O'qituvchi va pedagogik jamoa orasidagi suhbat.
D. Hamma javoblar to'g'ri.
79. Tovush apparatining energetik tizimi qanday vazifani bajaradi?

- A. A tovushini hosil qilishda ishtirok etadi.
- B. B tovushini hosil qilishda ishtirok etadi.
- C. Tovush hosil qilish tizimini havo bilan ta'minlaydi.
- D. Tovush hosil qiladi.

80. Tovush apparatining rezonator tizimi qanday vazifani bajarishda ishtirok etadi?

- A. Havo bilan ta'minlaydi.
- B. Shovqin tovushlarni hosil qilishda ishtirok etadi.
- C. Tovush hosil qiladi.
- D. Pauzada ishtirok etadi.

81. «Takt» so'zi qanday ma'noni anglatadi?

- A. Oraliq ma'nosini.
- B. Masofa ma'nosini.
- C. Vaqt ma'nosini.
- D. Ta'sir etish, tegish ma'nolarini.

82. Pedagogik takt nima?

- A. O'qituvchining ta'lim-tarbiya jarayonida samarali tarbiyaviy ta'sir vositalari va muloqot uslublarini topa bilish malakasi.
- B. Ta'lim metodi.
- C. Tarbiya metodi.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

83. Pedagogik mehnat predmeti nima?

- A. Dars.
- B. Ta'lim.
- C. Tarbiya.
- D. Shaxs

84. Pedagogik mehnat maqsadi nimadan iborat?

- A. Bilim berish.
- B. O'qitish.
- C. Har tomonlama yetuk bo'lgan komil insonni tarbiyalash.
- D. Ta'lim-tarbiya.

85. Ta'lim maqsadlari qaysi yo'nalishlarda belgilab olinadi?

- A. Iqtisodiy, ma'naviy.
- B. Moddiy, ma'naviy.
- C. Ta'limiy, tarbiyaviy, rivojlantiruvchi.
- D. Rivojlantiruvchi, chiniqtiruvchi.

86. Quyidagi pedagogik malakalar majmui pedagogik texnikaning qaysi tarkibiy qismiga tegishli: «Imo-ishoralar, ma'noli qarash, qo'l harakati, iliq tabassum»?

- A. Nutq madaniyati.
- B. Mimika, pantomimika.
- C. O'qituvchining hissiy holati.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

87. Quyidagi pedagogik malakalar majmui pedagogik texnikaning qaysi tarkibiy qismiga tegishli: «Savodli gapirish, o'z fikrini ifodali, ta'sirchan ifodalash, tovushlarni to'g'ri talaffuz qilish»?

- A. Nutq madaniyati.
- B. Mimika, pantomimika.
- C. O'qituvchining hissiy holati.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

88. Quyidagi pedagogik malakalar majmui pedagogik texnikaning qaysi tarkibiy qismiga tegishli: «Jiddiylik darajasi, xayrixohlik kayfiyatini saqlash, umidbaxshlik»?

- A. Nutq madaniyati.
- B. Mimika, pantomimika.
- C. O'qituvchining hissiy holati.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

89. Quyidagi fikr qaysi mashhur pedagogning qalamiga mansub: «Tarbiyachi tashkil etishni, ish yuritishni, hazillashishni, quvnoq, jahldor bo'lishni bilishi lozim, u o'zini shunday tutishi kerakki, uning har bir harakati tarbiyalasin»?

- A. Abdulla Avloniy.
- B. A.S.Makarenko.
- C. Mishel Monten.
- D. Ya.A.Komenskiy.

90. O'qituvchi o'quvchi bilan shaxsiy munosabat o'rnatayotganda oraliq masofa qancha bo'lishi lozim?

- A. 45 sm dan 120 sm gacha.
- B. 120 sm dan 400 sm gacha.
- C. 400 sm dan 750 sm gacha.
- D. 750 sm dan 1000 sm gacha.

91. Ommaviy munosabatda o'qituvchi va omma orasidagi masofa qancha bo'lishi lozim?

- A. 45 sm dan 120 sm gacha.
- B. 120 sm dan 400 sm gacha.
- C. 400 sm dan 750 sm gacha.
- D. 750 sm dan 1000 sm gacha.

92. Monoton ohangdagi nutq qanday oqibatlariga olib keladi?

- A. O'quvchilarni darsga qiziqtiradi.
- B. Bilimlarni o'zlashtirishiga yordam beradi.
- C. O'quvchilar uchun og'irlik qiladi.
- D. O'quvchilarni zeriktiradi.

93. O'qituvchining juda baland ovozi o'quvchilarga qanday ta'sir qiladi?

- A. O'quvchilarni charchatib qo'yadi.
- B. O'quvchilar diqqatini to'plashga yordam beradi.
- C. Suhbatdoshni chalg'itadi.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

94. Tautologiya nima?

- A. Bir o'rinda bir xil ma'noli so'zlardan o'rinsiz foydalanish.
- B. So'z boyligi.
- C. Sinonimlardan o'rinli foydalanish.
- D. Bir maqsadga qaratilgan nutq.

95. O'qituvchi nutqiga qo'yiladigan leksik talablar nima?

- A. Lug'atning boy bo'lishi.
- B. Sinonimlardan keng foydalanish.
- C. So'zlardan o'rinli foydalanish.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

96. O'qituvchi nutqiga qo'yiladigan grammatik talablar nima?

- A. Lug'atning boyligi.
- B. Gap tuzilishida grammatik qoidalarga rioya etish.
- C. Nutq ifodaliligi.
- D. To'g'ri javob yo'q.

97. O'qituvchi nutqiga qo'yiladigan orfoepik talablar nima?

- A. Gap tuzilishiga e'tibor berish.
- B. Nutq boyligi.
- C. Tovushlarni to'g'ri talaffuz qilish.
- D. Hamma javoblar to'g'ri.

98. Quyidagi tavsif qaysi uslubda muloqot o'rnatgan o'qituvchiga nisbatan berilgan: «Yaxshi o'qituvchi, ammo muomalasi qandaydir quruq. Bolalar bilan hech qachon erkin gaplashmaydi?»

- A. Faol-ijobiy.
- B. Passiv-ijobiy.
- C. O'zgaruvchan.
- D. To'g'ri javob yo'q.

99. Quyidagi tavsif qaysi uslubda muloqot o'rnatgan o'qituvchiga nisbatan berilgan: «Bolalarni va o'z kasbini sevadi. Har qanday bolaga bilim bera oladi. Bolalarga qat'iy chora ko'rmaydi, ammo talabchan va printsiptal?»

- A. Faol-ijobiy.
- B. Passiv-ijobiy.
- C. O'zgaruvchan.
- D. To'g'ri javob yo'q.

100. Quyidagi tavsif qaysi uslubda muloqot o'rnatgan o'qituvchiga nisbatan berilgan: «Sofdil, bilimli, ko'p ishlaydi, bolalarni va o'z kasbini sevadi, ammo bolalar chalg'itsa o'zini yo'qotib qo'yadi?»

- A. Faol-ijobiy.
- B. Passiv-ijobiy.
- C. O'zgaruvchan.
- D. To'g'ri javob yo'q.

Savol	Javob	Savol	Javob	Savol	Javob	Savol	Javob
1	B	2	A	3	D	4	D
5	D	6	B	7	C	8	A
9	C	10	B	11	B	12	C
13	A	14	A	15	C	16	C
17	A	18	B	19	D	20	C
21	A	22	A	23	D	24	D
25	D	26	D	27	C	28	B
29	C	30	D	31	A	32	A
33	B	34	A	35	C	36	C
37	D	38	C	39	D	40	A

41	C	42	B	43	D	44	A
45	B	46	C	47	A	48	B
49	B	50	A	51	C	52	D
53	A	54	C	55	B	56	B
57	C	58	D	59	B	60	A
61	B	62	A	63	B	64	C
65	B	66	D	67	A	68	D
69	D	70	A	71	D	72	C
73	B	74	C	75	B	76	C
77	A	78	D	79	C	80	B
81	D	82	A	83	D	84	C
85	C	86	B	87	A	88	C
89	B	90	A	91	C	92	D
93	A	94	A	95	D	96	B
97	C	98	B	99	A	100	C

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Muhiddinov A.G. O'quv jarayonida nutq faoliyati. – T.: O'qituvchi, 1995.
 2. Raximov S., Turakulov E. Abu Rayxon Beruniy Ruxiyat va ta'lim-tarbiya to'g'risida. – T.: 1992.
 3. Azizxo'jaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. TDPU-2003.
 4. Pirmuhamedova M. Pedagogik mahorat asosolari. T.: 2001.
 5. Mahmudov N. O'qituvchi nutqi madaniyati: talabalar uchun darslik. T: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy ko'tubxonasi nashriyoti. 2007.
 6. N.S.Sayidaxmedov. Pedagogik mahorat va pedagogik texnologiya. –T.O'zMU qoshidagi OPI.- 2003.
 7. Ochilov M. Muallim qalb me'mori: Saylanma. T: O'qituvchi, 2000.
 8. Abu Nasr Forobiy. Fozil odamlar shaxri //–T.: A.Kodiriy nomidagi Xalq merosi nashriyoti, 1993.
 9. Navoiy, Alisher. Maxbub ul –kulub. Asarlar 15-tom.T.:1966
 10. Sultanova G.A. Pedagogik mahorat. O'quv-metodik qo'llanma. TDPU.T., 2005.
 11. Дружинин В.Н. Психология обих способностей. – С.-Петербург, 1999.
 12. Крижановская Ю.С. Грамматика общения. – М., 1999.
 13. Хайдаров Ж.С. Технология игр в обучении и развитии. – М., 1996.
- www.pedagog.uz
www.ziyonet.uz
www.istedod.uz
www.cer.uz
- Ismoilova Z. Tarbiyaviy ish metodikasi. – T.: Istiqlol. 2003.150 b.